

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

СУРХОННИНГ ЗУККО, ЛОБАР, ЧЕВАР ҚИЗЛАРИ...



Истиқлол йилларида истеъдодли, иқтидорли қизларимизни Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш мамлакатимизнинг сиёсий ва маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Истеъдодли қизларни аниқлаш, рағбатлантириш, Давлат мукофотига лойиқ деб топилганларга «оқ йўл» тилаш мақсадида жойларда танловлар ўтказилмоқда. Туманлар бўйича танловлар якунланиб мукофотга номзоди кўрсатилган қобилиятли қизларимиз вилоят босқичларида ўз истеъдодларини намойиш этишмоқда. Шундай тадбирлардан бири Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтди. Назаримизда танлов ҳам гўзал, ҳам адолатли ўтди. Республика босқичига муносиб кўрилган қизларнинг қувончи чексиз..

Барчиной, Қалдирғочлардан мерос, камалак нусха либосли лобар қизларни бирин-кетин суҳбатга чорладик.



Танлов комиссияси раиси, вилоят ҳоқими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбархон Авлиёқулова биз билан суҳбатда шундай деди:

— Қизларимиз қай даражада шижоатли, билимли, истеъдодли эканлигига сизлар ҳам гувоҳ бўлдингиз.

Ўтган йиллари вилоят комиссияси беш кишидан иборат бўлган. Бу йил биз танловимиз янада ҳалол, адолатли ўтиши учун, тақдим этилган ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиқиш мақсадида 17 та таникли шоир-ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар жамланган нуфузли комиссия кўмағида голибларни аниқладик. 71 та билимдон, истеъдодли қизларимиз орасидан фақат энг зуққоларини, энг муносибларини саралаш осон кечмади, албатта. Қизларимизнинг нафақат қобилияти, ўзи танлаган соҳани қай даражада билиши, балки нутқи, интеллектуал салоҳиятига ҳам эътибор беришга ҳаракат қилдик.

Номзод қизларимизнинг зуққолиги, интилувчанлиги, ҳатто миллий хунармандчилик, таълим йўналиши бўйича куч синашган қизларимизнинг ҳам нафис шеърлар ёзиши, чиройли кўшиқ, рақслар ижро этишлари ҳар қандай кўнгилга ёрулик бахш этиб, уни

навий кадрлар таъсирида шаклланади. Бетақдор миллий бойлигимиз-чанқовуз ҳақида изланишлар олиб бораётган қизларимизнинг тадқиқотларини ўқиб, ҳаяжонланмаслик, таъсирланмаслик мумкинми?

Кўп киррали қобилият соҳиби бўлмиш қизларимизни жамиятимизнинг бебаҳо, ноёб интеллектуал захираси, деб эътироф этар эканмиз, уларга муносабат ҳам шунга яраша бўлмоғи керак. Уларни юзага чиқаришда туманлар хотин-қизлар қўмиталари, уларнинг фаоллари, адиба Жамилаҳон Эргашева, таникли шоир Шафоат Рахматуллонинг хизматлари катта бўлди.

Ғолиб бўлган қизларимиз республика танловида ҳам ўз истеъдодлари билан юзимишни ёруғ қиладди, деган умиддамыз.

Д.САИДОВА,
Х.ҲАМРОЕВА



Феруза Қурбонова - Денов туманидан, мактаб ўқувчиси:

— Адабиёт, санъатга чексиз меҳр-муҳаббат билан бирга аниқ фанларга жуда қизиқаман. Инглиз тилини жиддий ўрганаёяман. Лекин, баъзибир тендошларимнинг ўзларига яратилган имкониятларнинг қадрига етмай, билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолаётганидан ташвишдаман. Ёшлар гўҳравонлигига барҳам бериш борасида илмий изланишлар олиб бораёяман...

Шаҳноза Хўжаева - Сариосиё тумани.

— Шеърят санъат сингари каштачилик ҳам инсон қалбини гўзалликка, нафосатга ошно этади. Момодан ўрганиб чиройли ёстиқ жилдлар палак, сўзаналар тикаман. Мен тиккан гўллар нусхасини ҳеч қаерда кўрмагансиз...

Малика Тилакова - Узун туманидан:

— Мен ҳаётимни шеърятсиз тасаввур қилолмайман. Шеърларим "Туркистон", "Аёл ва замон" газеталарида босилган. Келажакда Зулфиянонимдек шоира бўлишни орзу қиламан.



ТАДБИРКОРЛИК ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилот томонидан қўллаб-қувватланган "Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш" лойиҳаси хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, ҳамда улар орасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилди.

Лойиҳанинг энг асосий йўналишларидан бири, тадбиркор аёллар ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аёллар учун семинар тренинг ўтказиш орқали уларга ўз вақтида ҳуқуқий ва амалий бизнес билан боғлиқ назарияларни беришдан иборат.

Лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида семинарлар ўтказилди. Семинарларда кўтарилаётган тадбиркорликнинг назарий асослари ўта долзарб ва зарур эканлиги кўзга ташланмоқда.

Лойиҳанинг яна бир муҳим йўналиши бу лойиҳа доирасида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси биносида тадбиркор аёллар учун ташкил этилган "Ахборот маркази"нинг фаолиятидир. Бу ахборот марказида тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга хоҳлаган пайтларида жавоб олишлари, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик соҳаси бўйича қонунчиликда бўлаётган ўзгаришлардан, янги талаб ва қоидалари билан танишишлари

мумкин. Булардан ташқари, Ахборот марказида тадбиркор аёллар интернет орқали ўзларига бизнес ҳамкорлар топиш, ўз махсулотларини реклама қилиш, янги технологияларни жалб этиш ва шу каби бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Хозирга қадар Ахборот марказига 50 дан зиёд тадбиркор аёллар мурожаат қилиб, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар маслаҳатларини олдилар. Мурожаатлар таҳлилидан маълум бўлдики аввало хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган кўпгина аёллар ишни нимадан бошлашни билмайдилар. Имтиёзли кредит олиш, солиқ системаси бўйича ҳам тушунчага эга эмаслар. Шу хулосалардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорликни бошлашни истовчиларга айрим

маслаҳатларни беришни лозим тоғдик.

Хусусий тадбиркорликни бошловчилар:

— аввало хусусий тадбиркорлик соҳасидаги қонун-қоидаларни ўрганишлари ва бу ҳақда тушунчага эга бўлишлари шарт;

— қобилияти ва имкониятидан келиб чиқиб, ўз ғояси асосида иштини аниқ белгилаб олишни билиши керак;

— маблағ билан таъминлаш чораларини режалаштиришни билиши;

— шундан сўнг маҳаллий ҳокимиятнинг махсус бўлимига мурожаат этишни лозим;

— Солиқ тизими тўғрисида тўлиқ маълумот олиш учун;

— аввало солиқ тизимига алоқадор қонун-қоидаларни ўрганишлари ва бошланғич тушунчага эга бўлишлари;

— маҳаллий солиқ бошқармаси-

га мурожаат қилиши лозим.

Имтиёзли кредит олиш учун:

— аввало кредит олиш билан алоқадор қонун-қоидаларни ўрганишлари ва бошланғич тушунчага эга бўлишлари;

— маҳаллий банкка мурожаат қилишлари керак.

Эслатма: Тадбиркорлик соҳасидаги қонунлар, қарорлар билан танишишни истовчилар Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Ахборот марказига мурожаат қилишлари мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий 30. Тел. 1481109

Саёҳат ИБРАГИМОВА

ҚАЛБИ ЮКСАК АЁЛЛАР

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятидан



Хабиба ШЕРОВА - Чиноз тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раисаси.

Чиноз туманининг бир гуруҳ фаоллари билан суҳбатлашдик.

Хотин-қизлар кўмитасида фаолият бошлашдан олдин бир неча йиллар туман газетасида муҳаррирлик қилдим дейди:

Чиноз тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раисаси **Хабиба Шерова**.
- Республика, туман матбуотларида ёритилган мақолаларимни аксарияти аёл тақдирига бағишланарди. Ўзим ҳам она, ҳам аёл сифатида ҳаётнинг кўп синовларидан ўтишимга тўғри келди. Шунинг учун аёл муаммоси ўзимга таниш. Бундан бир неча йиллар илгари жигарбандим Умиджон айна навқирон 20 ёшида бизни ташлаб кетди. Она учун бундан оғир йўқотиш бўлмаса керак. Бир амаллаб ўзимни кўлга олдим. Фарзандим Умиджонга аталган меҳримни ота-онасида дебват етим қолган болаларга бердим. Ўзимни улар даврасида кўрсам, бахтиёрликларини хис қилсам кўнглим тоғдек кўтарилди.
Юрагимга азоб бериб келаёт-

ган бир оғриқ бор. У ҳам бўлса оилани сақлаб қолиш. Ҳукуматимиз томонидан аёлларни яши яшашлари учун қанча имкониятлар яратилган. Афсуски булардан тўғри фойдаланишни билмай, ўз ҳаётини гаровга қўйиб жиноий ишлар билан шуғулланиб охир-оқибат "қора курси"дан жой олаётган опа-сингиллар ҳам орамизда борлиги мени беҳад ташвишлантиради. Аёл жамиятда ўз ўрнини билмас, ўз қадрига етмас экан шубҳасиз тақдирнинг ҳам унга нисбатан жавоби қаттиқ бўлади.

Танзила Оллаберганова - "Илҳом Шарипов" номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.
- Оилада соғлом муҳит яратиш

биргина ота-онанинг зиммасидаги маъсулият эмас. Бунинг учун маҳалла, мактаб, соғлиқни сақлаш ходимлари биргаликда фаолият олиб боришлари керак. Афсуски кўпинча бу вазифа мактаб бўйида қолиб кетаяпти. Баъзи бир эркакларимиз мени кечирсинлар-у, "боқи-мандалик" касаллигига дучор бўлишган. Шу сабабли уйда фарзанди олдида бўлиши керак бўлган аёл бозорда. Эрак киши урдалаши керак бўлган вазифа аёл елкасида. Оддийгина мисол: Биринчи синфга қадам қўйган бола учун энг керакли устоз бу ОНА. Бола қўлига қалам олиб, НОН,

ВАТАН, ОНА сўзларини ёзишни ўрганаётган пайтда унга йўлланма бериб, то ўзи мустақил дарс тайёрлайдиган бўлгунча унинг ёнида албатта онаси бўлиши керак деб ҳисоблайман. Балки арзиманган бир гапдир. Аммо ана шу фикр ортида келажак авлодларимиз тарбияси, ҳаёти турибди. Миржамол Фуломов ҳомийлигида фарзандларимиз мактабдан бўш пайтларида зерикмасликлари, турли нохуш ишлар билан шуғулланмасликлари учун маҳалламиз болалари учун волейбол, футбол майдончасини ташкил этдик.

Лола Ҳикматова - туман санитария эпидемиология назорат маркази санитария шифокори



Суратда: (чапдан ўнгга) Лола ҲИКМАТОВА, Танзила ОЛЛАБЕРГАНОВА, Олимжон ХУШВАҚТОВлар ҳаммиса биргаликда фаолият юртишади.

ёрдамчиси, хотин-қизлар кўмитаси раисаси.

Бизнинг вазифамиз аҳоли саломатлигини сақлашда профилактика ишларини олиб бориш. Бунинг учун кўпроқ боча ва мактабларда тушунтириш ишларини олиб борамиз. Болалар

ўзлари тарбияланаётган боғчаларда қандай оқватланди, тозалikka қандай риоя қилинапти? Кўпроқ шулар билан қизиқамиз. Келиб чиқаётган касалликлар сабабини аниқлаймиз. Ундан ташқари "Оилани оқилона режалаштириш", "Аёллар соғлигини сақлаш мавзуси" да аҳоли ўртасида суҳбатлар олиб борамиз.

Олимжон Хушвақтов - Туман халқ таълими бўлими мудир ўринбосари.

Бизни асосий вазифамиз ўқувчиларга таълим-тарбия беришдан иборат. Ўтган йили фанлар олимпиадасида вилоят бўйича яхши кўрсаткичларга эришдик. Искандар Исломов, Фулом Сай-



Лариса УЛЬЧЕНКО - Марказий шифохона бош шифокор ўринбосари.

рожаат қилган аёллар 2 босқич текширувдан ўтишади. 1-босқичда УЗИ аппаратида текширилиб, касалликлар аниқланганча керакли маълумотлар берилади. Агар аёл хомиладор бўлса боланинг нуқсонни бор ёки йўқлиги аниқланади. Иккинчи босқич текширувларида чақалоқ туғилганидан кейин туғруқхонада ўтказилади. Аёлга кейинги фарзандини неча ёшда туғиши мумкин ёки мумкин эмаслиги, хомиладорликдан сақланиш ҳақида маълумотлар берилади. Мақсадимиз ҳам соғлом она, ҳам соғлом фарзанд камолини кўриш.

Бугунги тезкор замона биздан ўта талабчанлик, жонкуярлик, фидойилик билан яшашни талаб қилаяпти. Чиноз туманида фаолият олиб бораётган бир гуруҳ жонкуяр аёлларда ана шу хислатларни хис этар эканмиз уларнинг бундан кейинги ишлари ҳам хайрли бўлишига ният билдирдик.

Н. ЙЎЛДОШЕВА
Суратлар муаллифи
М.МИРСОДИҚОВ

Маълумки, бўқоқ қалқонсимон без касаллиги ҳисобланади. Хўш, бу касалликнинг келиб чиқиш сабаби қандай? Унинг олдини қандай олиш мумкин? Ушбу долзарб мавзу хусусида Эндокринология илмий-текшириш институти докторанти Сирожиддин Расулов билан суҳбатлашдик.

- Ер юзида йод етишмайдиган ҳудудларда истиқомат қиладиган 760 млн. аҳоли қалқонсимон без касаллиги - бўқоқ дардига йўлққан.

Қалқонсимон безни бир фабрика деб фарз қилсак, унинг хом-ашёси йод, ишлаб-чиқарадиган маҳсулоти териодид гармонлардир. Қалқонсимон без 2 хил гормон: тероксин ва учйод теронин ишлаб чиқаради. Тероксин гормониди 65%, уч йод теронини эса 59% йод мавжуд. Гормонларнинг кам ишлаб чиқилиши организмга жиддий таъсир этади. Жумладан, ҳомиланинг мия ривожланиши, болаларда ақлий ўсиш қобилияти, умуман меъёрий энергетик баланс пасайиши кузатилади. Углевод, оксил, иммун тизимига таъсир кўрсатиб, хомила суякларининг ривожланишини камайтиради. Ушбу гормонларнинг паст бўлиши натижасида керакли ахборотни қабул қилиши суст бўлади. Шунинг учун бу болалар аниқ фанлар - математика, химия, физика каби фанларни ўзлаштириши суст бўлади. Уйил болаларни жинсий бепуштликка олиб келади. Қиз болаларда ақлий ўсиш қобилияти пасайиши билан бир қаторда жинсий безларга салбий таъсир кўрсатади. Хайз кўриш кечикади,

оғриқли ва узок вақт давом этади. Бу қизлар турмушга чиққанда фарзанд кўриши қийин кечади. Баъзан бола ташлаш аломатлари учраб туради. Хомиласининг ривожланиши суст бўлиб, туғилган пайтда 4 кг.дан ортик оғирликда бўлади. Боланинг сўт эмиш жараёни сусайиб, йиғлаганда дағал овоз чиқаради. Чақалоқ қувватсиз, дармонсиз бўлади. Айрим ҳолларда йод етишмовчилиги қалқонсимон бези саратон (рак) касаллигини келтириб чиқаради. Ҳозирги пайтда бу хасталиқнинг олдини олиш учун институтимиз олимлари илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

ОРГАНИЗМДА ЙОД ЕТИШМАСА...

- Аслида киши организми учун қанча миқдор йод микроэлементи зарур ҳисобланади?

- Инсон яшаш даврида фақат 4-5 гр.гина йодга муҳтож бўлади. Шунинг учун етишмаслиги қалқонсимон безнинг турли хил жиддий хасталиклари келиб чиқишига сабаб бўлади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари берган маълумотларга кўра, йодга бўлган қундалик эҳтиёж 1 ёшгача бўлган чақалоқлар учун 50 мкг., 2-6 ёшли болалар учун 90 мкг., 7-12 ёшли мактаб ўқувчилар учун 120 мкг., 12 ёшдан катта болалар учун 150., хомиладор ва эмизкли аёллар учун 200 мкг.ни ташкил этиши шарт. Бизнинг институт ходимларининг илмий изланишлари натижасида хурмо мевасининг 100 гр.да 2,08 мкг. йод микроэлементи бор-

лиги аниқланди. Маълумки, ҳар бир одамнинг қундалик эҳтиёжи учун ўртача 100-200 мкг. йод зарур. Демак, нормал ҳолда йод билан таъминланиш учун бир кунда хурмо мевасидан 3,600 гр., ёнғоқдан 2,180 гр., балиқдан 2,560 гр., қўй гўштидан эса 5,600 гр. истеъмол қилиш керак. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, агар атмосферада, ерда, сувда йод микроэлементи бўлмаса, етиштирилаётган мева ва сабзавотларда ҳам ушбу микроэлемент учрамайди. Афсуски, бизнинг мамлакатимиз ҳавоси, ери ва сувиди йод учрамайди дегунда йоднинг сафига қиради. Океан ва денгизга яқин жойлашган ҳудудлар бун-

дан мустасно.

- Организмга йод етиштириб беришнинг яна қандай усуллари бор?

- Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ош тузини йодлаш усули бўқоққа қарши курашда энг яхши самарали усул деб тан олинган. Ош тузини йодлаш учун 84 мамлакат тегишли қонун қабул қилган. Катталар ҳар куни 10 гр. болалар эса 5 гр. ош тузи қабул қиладди. Шу сабабли йодланган ош тузи орқали организмга зарур йод миқдорини етказиб бериш мумкин.

- Ҳозир кўпгина жойларда, айниқса, қишлоқларда қоплаб тузларни сотиб олишяпти. Туз ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар кўпайиб қолган. Қандай тузларни сотиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайсиз?

Долзарб мавзу

- Чиндан ҳам "арзон экан" деб дуч келган тузларни сотиб олиш ҳоллари кўп учрайди. Бу мутлақо нотўғри. Ҳозирда Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудидagi туз қони, Навоий Электромидғи заводи, Тошкентда "Лаззат", "Оруз", "Темпо" тузини қайта ишлаш корхоналари чиқараётган тузлар талабга жавоб беради. Йодланган тузини дўкнолардан оз миқдорда тез-тез харид қилиш ва қоронғи жойларда, оғзи беркитилган идишларда сақлаш керак. Ош тузини сотиб олаётганда, Давлат стандарти идораларимдан тузга берилган сифатни кафолатлайдиган тегишли ёрлиги борлигини текшириб чиқиш тавсия этилади. Йодланган туз халтасида қўйидаги маълумотлар бўлиши шарт: 1) корхона номи, аниқ манзили, телефон рақами; 2) тузининг нави, вази; 3) тузга йод миқдори, йодланганлик санаси; 4) йодланган тузнинг яроқлилик муддати. Бу маълумотлар туз қопчасида акс эттирилган бўлса, уни харид қилмаслик керак.

Бўқоқ билан хасталанган беморга йод дориларидан йодид-100, йодид-200 тавсия қилинади. Ҳажми ва унинг қаттиқ-юмшоқлигига қараб, беморларга тирсоид гармон дорилари тавсия этилади.

Беморлар доимо эндокринолог-врач назоратида бўлишлари лозим.

Хулкар ҲОТАМБОВА
суҳбатлашди.

Президентимиз бошлик ҳукуматимиз, давлатимиз маҳаллаларга доимо эътибор бериб, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида хайрли ишларни қилиб келмоқда. Шулардан бири 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинишидир. Зеро Ватан, оила, маҳалла кўни-қўшничиликдан бошланади. Бугунги кунимизда қўшничилик маҳаллаларда энг долзарб масалалардандир.

"Кўшни" ўзбекча сўз бўлиб, баъзан илмий ва бадиий адабиётда унинг ўрнига тожикча "ҳамсоя" (битта соя тагида яшовчи) сўзи ҳам қўлланиб келган.

Пайгамбар (с.а.в.) қўшнини ҳурматлаш, унга яхшилик қилиш ҳақида жуда кўп ҳикматли ҳадисларни айтиб ўтганлар:

Бир киши расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб, қўшниси ҳақида шикоят қилган. Шунда расулуллоҳ унга масжид эшиги олдига бориб, **"Огоҳ бўлинглар, (сизга) кирқта ҳовли қўшнидир, деб нидо қилишни буюрган эканлар"**.

Пайгамбар (с.а.в.) қўшниларни уч тоифага бўлган эканлар: "Биринчи тоифа битта ҳақ эгаси қариндошига бўлмаган мушрик қўшнидир. Унда қўшничилик ҳаққи бор. Иккинчи мусулмон қўшни бўлиб, унда Ислом ҳаққи ва қўшничилик ҳаққи бор. Ниҳоят учинчи тур қўшни мусулмон ва қариндош қўшни бўлиб, унда қўшничилик, мусулмончилик ва қариндошлик ҳаққи бор". Пайгамбар (с.а.в.) ҳатто мушрик (кофир) қўшниси ҳам ҳаққини адо этишни уқтирмақдалар. Яна бир ҳадисда: **"Қўшниси оқлигини билла туриб, фақат ўз қоринини тўйгазиб юрадиган одам мўминни қомил эмасдим"**, дейилган. **"Қўшниси уни ёмонлигидан омонда бўлмаган киши жаннатга кирмайди"**, дейилган бошқа бир ҳадисда: "Кимнинг ҳовли қўшниси ёки шериги бўлса, бирор нарсани унинг олдида ўтмасдан сотмайди", деган ҳадис ҳам бор. Қўшни ҳақида бошқа ҳадислар ҳам мавжуд.

Қўшника яхшилик ҳақида қуйидаги ривоятни бир китобда ўқиган эдим: Ҳаж мавсумида ҳожилар Каъбатуллоҳни тавоф қилиб туришганда, бир олимнинг икки елкасига иккита фаришта келиб кўнди. Бири иккинчисидан сўради: "Бу йил ҳажга шунча минг одам келди, уларнинг ҳажни қабул бўлдимми?" Иккинчи фаришта жавоб берди: "Ҳеч кимнинг ҳажни қабул бўлмади магар бағдодлик Абу Мавқуф кафшдўзининг ҳажни қабул бўлди, у туйфайли Аллоҳ қолганлар ҳажини қабул қилди. Аммо у одам ҳажга келмаган". Фаришталар учиб кетди. Ҳалиги олим ҳай-

рон бўлди. Одамлар қанча машаққатлар азобу уқубатлар билан йиллаб йўл босиб ҳажга келса-ю, уларнинг ҳажни қабул бўлмаса, ҳажга келмаган Бағдоддаги бир кафшдўзининг ҳажни қабул бўлса ва Аллоҳ у туйфайли бошқалар ҳажини қабул қилган бўлса. У Худонинг қандай бандаси экан? Ҳаж маросими тугагач, ҳалиги олим ўз юртига кетмай, Бағдодга йўл олди. Шаҳарга етиб келиб, кафшдўзлар маҳалласини суриштириб, абу мавқуф кафшдўзи уйини топди. Кафшдўз меҳмонни яхши қабул қилиб, уйига таклиф этди. Дастурхон ёзиб, нончоё кўйди. Меҳмон дастур-

боб еб ўтирган экансиз, хотиним ҳомиладорлигини кўргансиз, бир дона берсангиз бўлар эди-ку". "Хафа бўлманг, қўшни. Мен беш-олти ойдан бери ишим орқага кетиб, синиб дастмояларимдан ажрадим. Пулга арзийдиган нарсаларни сотиб едик. Шу бу-



ЁН ҚЎШНИ



хон устида ҳадеб сохиби хонага назар ташлай берди. "Меҳмон қаердан бўладилар, менга кўп назар ташладилар", сўз қотди у. "Мен фалонийман, ҳаж сафаридан келяпман. Сиз Худо йўлида нима савобли ишларни қиласиз?" "Мен Аллоҳнинг бир ожиз бандасиман. Касбим кафшдўзлик, ҳафтада 5-6 та кафш тикиб, бола-чақамни боқаман. Беш вақт намоз ўқийман, бир ой рўза тутаман". Меҳмон уй эгасига ҳаждаги воқеани айтиб берди. "Эй, бу ерда бир гап бор, - деб сўз бошлади кафшдўз, мен ҳар йили ҳажга боришга ҳаракат қилардим, лекин тиккан кафшларим оила нафақасидан ортмай, ҳажга боролмай қолаверардим. Ўтган йили ҳам ҳажга боролмагач, бир кичкина қутича буюриб, тепазидаги тешикчадан сотган кафш пулидан 4-5 фунс (чақа)дан унга ташлаб юрдим. Худо хоҳлса, бу йил ҳажга бораман, деган ниятда эдим. Ҳаж маросими яқинлашиб қолган эди. Бир кунни кафшларимни сотиб, бозордан қайтиб келсам, хотиним йўғлаб ўтирибди, кўзлари қизариб кетган. "Нима бўлди сизга, ким хафа қилди", - сўрадим. "Анави қўшненикига чикувдим. Болалари билан кўй гўштидан қилган кабоб еб ўтиришган экан, егим келди. Таклиф қилишмади. Ҳомиладор бўлганим учун, кабобинглардан бир дона беринглар, деб сўрадим. "Бу кабоб сизга берилмайди", деб жавоб қилди уй эгаси. Шунчалик ҳам беоқибат қўшни бўладими? Шунга дилим оғриб, йўғлаб ўтирибман". "У қўшни ундай одам эмас эди-ку!" - деб қўшненикига чиқиб кетдим. "Шунча йилдан бери аҳл яшаб келганмиз, болаларингиз билан кўй гўштидан пиширилган ка-

боб еб ўтирган экансиз, хотиним ҳомиладорлигини кўргансиз, бир дона берсангиз бўлар эди-ку". "Хафа бўлманг, қўшни. Мен беш-олти ойдан бери ишим орқага кетиб, синиб дастмояларимдан ажрадим. Пулга арзийдиган нарсаларни сотиб едик. Шу бу-

ейиш учун ҳеч нима йўқ эди. Ё ҳаммолик, ё гадолик қилиб, бир кунлик егулик топиб келай, деб кўчага чиқдим. Фалон жойда бир кўй ўлиб ётган экан. Ўшанинг бир оёғини кесиб келиб, кабоб қилиб еб ўтирган эдик. Бизга ҳалол, чунки емасак очликдан ҳалок бўламиз. Сизнинг уйингизда егулик овқатингиз бор, сизга ҳаром. Шунинг учун гуноҳор бўлмай деб, хотинингизга бермадим". Қайғу билан уйимга чиқдим. Бир рўмонни ёзиб, қутичадан пулларни ағдардим, икки-уч ҳаж пули бўлиб кетибди. Рўмоннинг тўрт бурчини жуфтлаб ушлаб, қўшненикига чиқдим. "Буни олинг, болаларга кийим-кечак қилиб, едиринг ичиринг, бир кесмини дастмоя қилиб айлантингиз. Мен ҳажга келаси йил борсам ҳам бўлаверади". Кафшдўзнинг қўшника қилган ана шу муруввати учун ҳажга бормаса ҳам, Аллоҳга унинг ҳажини қабул қилиб, у туйфайли ҳажга борган ҳамма мусулмонлар ҳажини қабул қилган экан.

Кўни-қўшничилик ҳақида Маҳмуд Қошғарий шундай деган экан: **"Кўни қўшни қариндош, Кўрсин сендан яхшилик"**. Муҳаммад Жавҳар Заминдор шундай ҳикматни айтган экан: "Қўшни ким ва қайси миллатга тааллуқли бўлишидан қатъий назар, уни ҳурмат қилмоқ ва қўшни ҳақ-ҳуққини адо этмоқ одамийлик хислатларидан биридир. Қўшни итига сабабсиз тош отиш, мушугини ҳайдаш эса уни ҳақоратлаш билан баробар. Бир киши дўстининг олдига келиб, уйда сичқон кўпайганидан шикоят қилди. Дўсти эса мушук боқишни маслаҳат берди. У эса рози бўлмай: мушук

боқсам, уйимдаги сичқонлар қўшненикига қочиб чиқармикан, деб кўрқаман, деди. Ўзинг учун нимани нолойиқ деб ҳисоблансанг, уни ўзгага раво кўрма".

"Яхши қўшни яхши йўлга бошлайди,

Яхши кунда ёт яхши, ёмон кунда "вой қардош"

"Қўшни ёмон бўлса, яхши қўшнининг ҳам обрўйи пастлайди".

"Қўшнининг ҳақ-ҳуққларини айтсам, бу қўшника ҳеч вақт озор бермаслик ва хафа қилмасликдир. Қўшни касал бўлса, ундан ҳол сўраш, бошига мусибат тушса, ёрдам қилиш, гам-шодлигига шерик бўлиш, ундан хато ўтса, кечириб, аҳлу аёлига ёмон кўз билан қарамас-

маросимларда ҳамдард, ҳамнафас бўлади. Камбағал, мискин қўшни бўлса, уни кўмган, эҳсонларини ўтказган, бола-чақаларига моддий ёрдам берган қўшнилар ҳам бўлган.

Баъзи қўшнилар ҳамсояси фарзандини ўқишга жойлаган, ишга киргизиб қўйган, ҳатто тўйларини ҳам қилиб берган. Қўшненикига олисдан меҳмон келса, уйига таклиф қилиб, дастурхон ёзган, агар бирор юмуш билан келган бўлса, қўлидан келган ёрдамни аямаган қўшнилар ҳам бўлган.

Ўзбеклар орасида эр-хотин қўшни урушиб қолса, уларни яраштириб қўйиш, қўшнининг қизига куёв, ўғлига келин топиш удуми ҳам қадимдан давом этиб келмоқда.

Қўшни қийналиб, пул ёки бирор нарсага муҳтож бўлса, дастлаб ён қўшника арзини изҳор этган. Қўшни имкони борича ёрдамни аямаган. Ёшлигимда қўшнилар чиқиб, онамга: "Навзахон аба, поччангиз бозорга кетувдилар, меҳмон келиб қолди, бир ошлик гўшт бериб туриш, ёки бир коса гуруч бериб туриш", дейишарди. Ёки сабзи, картошқа, пиёз сўраб чиқишарди. Онам дарров олиб чиқиб берардилар. Баъзан биз ҳам шундай нарсаларни сўраб, қўшниларга мурожаат қилардик.

Афсуски, қўшни ҳаққини адо этмайдиган, пул-мол ёки мансаби туйфайли димоғдор бўлиб, гердайиб кетган, ён қўшниларни назар-писанд қилмайдиган, тўй-маъракаларда иштирок этмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Бундайлардан кўпини кўрганман, уларни маҳалла фуқаролари аякалаб қўяди. Қўлдан мансаб ва давлат кетиб, оқибат мосуво бўлганларини ҳам учратганман.

Фақат ўзини ўйлаган, қўшнидан совуқ сувини ҳам аяган худбин, хасис қўшнилар ҳам йўқ эмас. Қўшни билан бир метр жой талашиб, муштлашиб, судлашган, умрбод гап-лашмай кетган қўшнилар ҳам бўлган. Болалар ўртасига тушиб, бир-бири билан юз кўрмас бўлиб кетган, маст бўлиб келиб, арзиманган нарсага қўшнени ҳақоратлаган, қўшнилар ҳам бўлади. Қўшнининг хотини, қизи ёки келинига ёмон кўз билан қараб йўлдан уриб, фахш ишларни қилган хонин, қабиҳ ва разил қўшниларни ҳам кўрганман. Яхши яшаётган қўшника ҳасад туйфайли бўхтонлар уюштириб, имзосиз хатлар ёзиб, ишдан кетиши ёки юрак хуружига учраб, ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган ивгогар, тухматчи, гаразгўй қўшнилар ҳам бўлиб келган. Аллоҳ ҳаммамизни бундай "қўшни"лардан асрасин.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

ЖОН ҚЎШНИ



лик, бирор ёққа кетса, уйдан хабардор бўлиб туриш. Буларнинг ҳаммаси ҳам қўшнининг ҳақ-ҳуққларидан ҳисобланади. Булардан ташқари қўшни қарз сўраса, қарз берилади, мева-чева терилса, мева билан йўқланади".

Бир киши бир доно олдига келиб, ундан сўради:

- Айтингчи, мен яхши одамманми ёки ёмонми? Буни қандай билса бўлади?

- Қўшниларингдан сўра, агар улар сени яхши десалар, демак яхшисан, деб жавоб берибди доно.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор:

"Қарасангки, қўшнинг соқолини олибди, сен ҳам соқолинигизни қисқартир".

Халқ орасида ҳам қўшничилик ҳақида кўп ривоятлар тўқилган: **"Ён қўшни-жон қўшни"**, **"Ҳовли олма, қўшни ол"**, **"Қўшнининг мушугини пишт дема"**, **"Қўшнинг кўр бўлса, қўзингни қис"**, яъни унга кўрлигини кесатма, уни қамситма, ўзингни ҳам кўрга сол.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан қўшничиликка жуда катта эътибор бериб, қўшни ҳаққини адо этиб келган. Энг яқин киши қўшни ҳисобланган. Бирор уй ёки бино қилмоқчи бўлса, қўшни билан маслаҳатлашган ва қўраётган биноси унга зарар етказмаслигини ҳисобга олинган.

Тўй қилса, қўшника маслаҳат солади. Қўшни тўйда бош-қош бўлади, ҳовлисининг бир қисмини бўшатиб беради, идиш-товок, кўрпа-тўшак ва бошқа уй жиҳозларини фойдаланишга беради. Тўй ўтгунча бутун оиласи билан хизмат қилади.

Қўшненикида мусибат юз берса, бирор киши вафот этса, энг кўп югур-югур қўшни зиммасида бўлади. Дафндан бошлаб ҳамма

Одатдагидай ёзув-чизув ишлари билан банд бўлиб ўтиргандим, хонага аввал ораксига каттақон спорт сумкаси кўтарган ёшгина йигит, унинг кетидан кўлтиқтаёққа суюнган кичкинагина, аммо кўзлари порлаб турган аёл кириб келди. Унинг ўтириб олишига ёрдамлашгач хол-ахвол сўрадим.

-Шунча оғир сумка, бунинг устига кўлтиқтаёқ билан қандай қилиб кўлингиз, - юзландим онахонга.

-Э, қизим мени ахволимга эътибор берма. Биринчи гуруҳ ногирони бўлганим билан руҳим тетик. Қўлимда гулдай хунарим бор. Кечаси-ю, кундузи кўрпа-тўшак қавиш билан шуғулланаман. Келинлар учун "қуроқ" болишлар тикаман. Бир донга қийқини ҳам исроф қилмайман. Лекин бу ерга мени бошқа бир нарса етаклаб келди.

Бундан бир неча йиллар илгари туманимиз газетасида мен ва қизим Саодат ҳақида мақола чоп этилган. Ана шу мақола чиққанига ҳам тўққиз йил бўлди. Ҳозир қизим тўққизинчи синфда ўқияпти, дея ҳикоясини бошлади Ханифа ая.

Ўзимни биттагина ўғлим бор. Шу болани ҳам бир амаллаб катта қилганман. Чунки оёқларим кўпинча ўзимга бўйсунмас, тез-тез оғриб турарди. Бир куни уйимизга Наманган меҳмон келди. Уларнинг Сохиба исмли кўҳликкина қизлари бор экан. Кичик укам Шарифжонга қиз ёқиб қолди шекилли атрофиди парвона бўла бошлади. Улар аҳду-паймон қилишиб турмуш қуришди. Наманганлик келинни Деновга кўниқиши қийин кечди.

Биз унча-мунча қилиқларини кўрмасликка олиб "фарзандли бўлса ўрғаниб" кетади дея эътибор бермай юрардик. Орадан бир йил ўтиб улар ўғилли бўлишди. Тирикчилик ташвишлари кўпайгач укам Душанбега ишлагани кетди. Ўзи жойлашиб олгач, хотинини ҳам чақиртириб олди. Билмадим ораларида нима бўлди, турмушлари унчалик яхши бўлмади. Шу орада келинимиз иккинчи хомиласи билан Наманганга отасиникига кетиб қолди. Уша ерда қиз кўриб, чилласини чиқариб қайтиб келди. Бизникида анча яшади. Март ойлари эди, келинимиз ўзидан-ўзи йўқолиб қолди.

Мен касал бўлиб ётгандим. Шу кетганча анча пайтгача йўқ бўлиб кетди. Бир куни укам шахар истироҳат борида ўроқлари билан айланиб юриб чақалоқ кўтариб ўтирган хотинини кўриб қолиб уйга олиб келди. Сохиба шунча

пайт қаерда юрганлиги ҳақида ҳеч нарса демади. Уша пайтлар оёқ оғригим кучайиб бир жойда ётгандим. Бир пайт келиним "боламини ушлаб туринг, ҳозир келаман", деб уйдан чиқиб кетганича қайтиб келмади. Боланинг онасини 3-4 кун кутдик. Ундан дарак бўлмагач, Сохибани қидирувга бердик. Ички-ишлар бўлими ходимлари уни топиб тилхат ёздириб олишибди. У ўз боласини ташлаб кетганлигини ва ундан воз кечганлигини билдирибди. Шундай қилиб кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Болага меҳрим ортиб, оёққа туришга ҳаракат қилардим. Болани ўз номимга ўтказиб олиш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилдим. Чунки қизимни боғчага жойлаштириш учун ҳужжат керак эди. Яхши одамларнинг ёрдами билан Саодат

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

ТАҚДИР ИЧЗОМИ



ни ўз номимга ўтказиб олдим. Кундан-кунга ишларим юришиб, соғлигим ҳам яхшилана бошлади. Қизимни ҳаёти шу билан осудалик топмади. Чунки келиним Душанбега қайтиб бориб, менда қолдирган қизини бир аёлга сотмоқчи бўлганида қўшнимиз кўриб қолиб келинни ўз

уйларига олиб келишган. Унинг ҳатти-ҳаракатлари хонадон соҳибларига ёқмай, кўп ўтмай у ердан ҳам ҳайдаб юборишган. Шундай қилиб бола сотилмай қолган.

Анчадан бери Сохиба ҳақида бирор гап эшитмаймиз. У қаерларда юрибди? Нима иш билан машғул? Ўғлининг тақдири нима бўлди? Ҳеч ким бу ҳақда ҳеч нарса билмайди. Ёки ўзи ҳам бирор марта ёнимга келиб қизининг тақдири билан қизиқмаган. Саодат мен унга ўғай она эканлигини билади. Бегоналардан эшитиб кўнгли синмасин дея уни барча сирдан воқиф қилганман. Мени ўз онасидан ҳам аёло кўради. Ҳамиша ардоқлайди. Унга ҳам чеварлик касбини ўргатиб қўйганман. Рўзгорни кам-кўстларини тўлдиришда ёрдам беради. Сохиба фарзандини ташлаб кетганидан асоха ҳафта эмасан. Унинг бу қилмишидан нолимайман.

Чунки бу қиз мен учун тақдир инъоми. Агар Саодат бегоналар қўлига тушиб қолганида унинг тақдири нима бўларди? Шулар ҳақида уйларида узимдан, атрофимдаги яхши одамлардан миннатдор бўлиб кетаман. Саодат онасиз ўсган қиз бўлса ҳам гурури баланд. Дугоналари орасида ўзини қандай тутишни, қандай муомала қилишни яхши билади. Яқинда вилоятда ўтказилган "Нафосат" қизлар кўрик-танловида биринчи ўринни олиб, Тошкентга Республика босқичида қатнашиш учун йўл олди. Чунки у ажойиб шеърлар ёзади. Мана ўзининг ҳам ўқиб кўринг, дея аёл қалин бир дафтарни қўлимга тутказди. Беихтиёр ундаги мисраларга кўз югуртирдим. Саодатнинг шеърий машқларида болаликнинг хайратлари, соғинч, муҳаббат хислари уфуриб турибди. Унинг она ҳақида ёзилган шеъри шунчалар содда, равон, гўзал туйғуллар билан ифодаланганки беихтиёр кўзингизга ёш қўйилади. Ҳа, унинг кўнгли тоғдек баланд бўлгани билан юрагининг аллақайерида ўксик бир хайқирқ борлигини хис этасиз.

Азиз мухлис! Чиройли одобахлоқи, гўзал шеърий мисралари билан мухлислар қалбига кириб бораётган Саодатнинг тақдири ортида икки аёл, икки онанинг ҳам ҳаёти турибди. Уларга қандай баҳо бериш, ушбу ҳикоямиздан қандай хулоса чиқаришни сизнинг ҳужмингизга ҳавола этдик. Фирмулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

Нигора ЙҮЛДОШЕВА

КАСБУ КОРНИНГ АЙБИ ЙҮҚ

- Мен ўткан куни ҳам кўнги-роқ қилган эдим, танияпсизми? - гўшақдан қиз овози келди.

- Йўқ.

- Озодаман, ошхонада ишлайман дегандими? Мен ҳақимда ёздигизми?

- Ҳа, эсладим, очиги ёзганим йўқ. "Мен ошхонада ишлайман. Одамлар менга бошқача кўз билан қарайди. Мен билан танишган йигитлар ҳам касбимни эшитиб изсиз гойиб бўлишади. Совчилар ҳам шундай. Айбим нима?" - дегандигиз, тўғрими?

- Тўғри.

- Касбу корнинг фарқи бўлиши мумкин. Аммо ҳар бирини ўз ўрни бор. Жамиятимизнинг тўксис-фаровонлиги, озодаллиги, гуллаб яшашига ҳар биримизга боғлиқ. Қисқача қилиб айтадиган бўлсам оддий бир корхонанинг қоровулдан тортиб давлатимизни бошқариб турган раҳбарларимизгача бутун бошли бир занжиримиз. Бир-биримизсиз ишимиз юришмайди. Мана мен эрталаб

ишга келсам фаррош ишхонамиз атрофини, хоналаримизни топ-тоза қилиб супуриб, артиб қўйган бўлади. У ҳалол меҳнати билан оиласини боқяпти. Унинг бу меҳнати ҳар қандай тақсинга сазовор. Шу ўринда сиз ҳам жамиятимиз фуқароларига хизмат қилаяпсиз. Хўрандалар ҳар хил бўлиши табиий бир ҳол. Лекин ҳамма менга ғайри-табиий нигоҳ билан қарайди деган гапингизга қўшилмайман. Ошпазлик касбини танлаб адашмагансиз. Эркақлар пазанда, ўз уйини саранжом-сарашта тутадиган, энг муҳими хушфелъ аёлларни қадрлашади.

Бирда бир дўстимникига боргандим. Ховлиси ифлос. Ташқаридаги ошхонасининг эшиги очик экан, ювуқсиз қўзон товоққа кўзим тушиб кўнглим айниб кетди. Дўстим кўярда-қўймай уйга таклиф қилди. Уйнинг ичи ташқаридан беш баттар ифлос эди. Хотини олдимизга бир дас-турхонни келтириб ё з д и .

Лоф бўлса ҳам бу яқин орада дастурхонга совун тегмагани учун, кирини пичоқ билан

қилиб олар даражада катта-катта ёғ доғлари бўртиб турарди.

Бир лаҳзада дасурхонга қўйилган ширинлик мева-чевани сон-саноксиз пашша босди. Дўстим пашшани елиб қўйди билан овора. Ҳижолат бўлаётганини сезиб: "Кўйинг, ўзимизнинг пашшадан", - дедим тил учида.

Шунақа синглим. Ошхонада ишлаётганингиздан ор қилган. Бу касбни ўзингиз танлаганмисиз?

- Йўқ. Мен шифокор бўлмоқчи эдим. 14 ёшимда отам оламдан ўтдилар. Ушундан онам 32 ёшда эди. Рўзгорининг бор оғирлиги онанинг зиммасига тушди. Она ошхонада ишларди. Она иккаламиз онамга кўмаклашдик. Уччаламизнинг топган-тутганимиз туфайли онамни сепини қилиб узатдик. Бизга ким ҳам бир сўм пул берарди. Қариндош-уруғларимиз бўлгани билан ҳар бирини ташвиши ўзига етарли. Ошхона ишига қўниқиб қолдим. Гўё у иккинчи рўзгоримиздай бўлиб қолган. Қўлимда бундан бошқа

хунарим ҳам йўқ.

У оғир хўрсиниб қўйди. Шу топда унга қандай таскин беришга ожиз эдим. Уни юпатиб хайрлашдим. Минг-минг йиллаб не-не тақибларни бошидан кечирмади аёлларимиз. Уни паранжига ўрашди. Бўсага хатлаб кўчага чиқариб рухсат беришмади. Уша таъқиблар барҳам топган бўлса-да, бари бир зарралари ҳали ҳам қонимизда озми-кўпми ўз таъсирини ўтказида. Ҳозир жамиятимиз ишчи кўчининг 42 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этади. Қайси соҳага бош сўкманг эркақлар билан бир қатори аёлларимизнинг овози янграйди. Оиламиз ҳам, маҳалламиз ҳам, қолаверса жамиятимиз ҳам, хотин-қизларимизнинг иштироки билан тўксис. Шундай эмасми?

Тоҳир

БОШИНГ ОЧИҚ БЎЛМАСИН ЭКАН...

- Мен шахсий фикр билдирмоқчиман, - дейди ўзини Нодира деб таништириб кўнги-роқ қилаётган аёл.

- Бемалол, қулоғим сизда, - далда бераман унга.

- Газетада чоп этилаётган "Қайда ўзи ўша бахт" руқнидаги эълонларни ўқиб энсам қотади. Бу ҳол ўзбекчилигимизга тўғри келармикан?

- Синглим, мен радио овозини чамамда 1965 йили илк бора эшитганимда ҳайратланганман. У пайтларда электр токи қишлоғимизга хали бормаганди. Радио катта-катта 3 та батарея билан айтарди. Кейин 1970 йилда электр токи ўтказилди. Ушунда ҳам илк бора телевизорни кўриб яна бир ҳайратланганман. Бу билан нима демоқчиман. Газетамиз саҳифасидаги бу руқ ҳам янгилик. Шу боис сиз ҳам ҳайратланапсиз. Одамларнинг юриштириши, қийинлиши, нуқт маданияти, яшаш тарзи ҳам йилдан-йилга такомиллашиб, замонавийликни боради. Яна жайдари бир гап. Ўзбекилимиз қонимизда, жонимизда.

"Қайда ўзи ўша бахт" руқнига тўхталадиган бўлсак, бу савобли иш деб биламан мен. Ҳаётда ўхшаш қисматлар учраб туради. Уларни бир-бирига учраштириш, бахти очилса кўриб қувониб сиз билан бизнинг инсоний бурчимиз эмасми? Боғина эълон бўйича топишган икки ўксик дилни учраштириб, уларга бахт тилаб изимга қайтгандим. Энсам қотмади, аксинча қувондим. Назаримда сиз ҳар жиҳатдан тўксис бўлсангиз керак. Шунинг учун бу руқни сизга эриш туоляпти. Уларнинг бир қисмат кемтик ҳаётларини жонингизда хис этиб кўргангизда...

Мен гапимни тугатмай гўшақдан йиғи овози эшитилди.

- Нимага йиғлаяпсиз? - ажабланиб сўрадим. Аёл "ўзим" деди-ю, оғир хўрсиниб гап бошлади.

- Мен ҳам ёлғизман. Хўжайиним 7 йил бурун оламдан ўтган. Ёшим 39да. 3 та фарзандим бор. Катта қизимни узатиб, ўғлимни ҳам уйлаб, алоҳида уюшмага чиқарганман. Ҳозир кенжаотай қизим билан бирга тураман. 4-5 йилдан кейин уни ҳам узатаман. Мен ҳам газеталар эълон бериб бахтимни излашгим қандайдир эриш туюлди. Шу боис ҳам ўзбекчилигимизга тўғри келадими, дегандим-да.

- Кечирасиз, ёлғизлик таъминини сиз ҳам топиб кўрибсиз, очигини айтинг, шу етти йилда нималар кечди кўнглингиздан?

- Нималар кечарди. Одамларнинг миш-миш гаплари, маломат тошлари, ўзингиз минг тўғри бўлсанг ҳам ғайри-табиий нигоҳлари мени эзиб юборди. Ҳаётда эркақнинг эшигини очиб, чирогини ёқиб, эшик-орасини супирадигани, аёлнинг эса бошида яхшими, ёмонми эри бўлсин экан. Худого шўрк, ҳеч қандай камчилигим йўқ. Бир эркакча топиб-тутаман. Мен ҳам уйимдан эркак овози чиқисини хоҳлайман. Кечаси эшик тиз этса, юрагим сапчиб кетади. Эрим ҳаёт пайтида бундай эмасдим. Эрим оиламиз кўрғони экан. Бундан йилдан-йилга теъранроқ ҳис этаяпман. Очиги, рўзгорини тўксис қилиб қўймайдиган "латта" эркақларни жиним ёқтирамайди. Эркақнинг суваласи улуг, шу улуг зот ўз мавқенини хис қилиб яшаса. Мен гурури ҳам, ўзи ҳам тоғ қадар юксак йигитларни ҳурмат қиламан.

- Аёл билан чамаси ярим соатча гаплашдик. Минг қилса ҳам аёл аёлда. Унинг кўзлари нозик, кўнгли пахтадай ўймошқ, дил ярасига текканинг ҳамоно кўзларидан дувва ёши тўқилади. У ҳаммиса эркакка суяниб яшашни хоҳлайди. Қўнги-роқ қилган аёл ҳам ҳар соҳада тўксис бўлса-да, ўз жуфти ҳалоло бўлишини ич-ичидан хоҳлайди. Гарчи аёллик гурури йўл қўймай бу гапни менга айтмаган бўлса ҳам, у бекорга йиғламади. Шундай экан бир-биримизнинг қўш аёлларимизни артиб ардоқлаб, керак бўлса ёрдам қўларимизни чўзиб яшайлик. Ўзбекчилик қонун қоидаларини битта-иккита одам яратганам, халқда: "Сувнинг оқишига, элнинг хоҳишига қара", - деган гап бор. Биз ҳам газетамиз саҳифаларини шу нуқтага назардан келиб чиқиб бойитишга ҳаракат қиламиз.

Т. НОРИМОВ

БОЛАЛАРНИНГ КЎЗ ЁШИ УЧУН

Мақолада тасвирланган воқеа бизнинг маҳалламизда ҳам бўлди. 3 боланинг отаси ўзи зиёли, фан номзоди, олий даргоҳда ишлайдиган Хайрулла ака (номи ўзгартирилди) турмуш ўртоғи ҳам олий маълумотли врач. Нуфузли ташкилотда ишлайди, куда-андалик бўлганида бир аёлни севиб қолиб уйдан кетади. Бир ўғил ва 2 қизи шунча адасини қайтаришга уринишлари бефойда бўлди. Оқибатда боланинг ва хонадон бекасининг бошлари эгилиб қолди. Хайрулла ака ўша аёлга уй-жой, 4 хонали уй олиб берди ва бир ўғил, бир қизли бўлди. Ҳеч нарсадан камчилиги бўлмай, ўз оиласидан бирор марта бўлсаям хабар олмай, яшай бошлади. Ҳаёт кунини қарангки, балки бу Оллоҳнинг ишидир, балки болаларнинг кўз ёши учун берилган жазовдир. Хайрулла ака саратон касаллигига йўналишда. Кейинги турмуш ўртоғи ва болалари (улар ҳам балонат ёшга етиб қолишган) Хайрулла акани ҳақиқатан олиб берган уйдан ҳайдашди. Хайрулла ака авлоди кўпчилик эди, ака-укаларникида бир неча кундан яшаб, уларнинг ҳам жонига теккан шекилли бошини эгиб биринчи оиласиникига қайтиб келди. Турмуш ўртоғи кечиримли оқила аёл Хайрулла акани қабул қилиб, дўхтирларга қарата

бошлади. Ҳатто Москвагача олиб бориб яхши дўхтирларга даволатди. Хар икки ойда онкология касалхонасига ётқизиб даволатди. Кўрсатмадан дўхтири, табиблари қолмади. Албатта ўғил-қизлари ва куёвлари доимо ҳамдард бўлиб ҳамжиҳатлик ва сабр-тоқат билан ҳамма муолажаларни олишда ёрдам беришарди. Хайрулла ака оламдан ўтдилар, ҳамма маъракалари бекаму кўст ўтказилди. Иккинчи турмуш ўртоғи ва ўғил, қизи бирор мартаба келиб хабар олиб кетишмади. Ҳатто ўлганда чақиртиришса келишмади ҳам. Хайрулла ака ҳаётида жуда катта ято қилганлигини кеч тушунди. Синглим, сизнинг турмуш ўртоғингиз эртароқ эс-хушини йиғиб олса яхши бўларди. Қулрак Оила ва жамият газетасини қўлига ёрдам беринг. Бу газеталда кўп хамбоқлар ўз ечимини топган. Ҳула кўп ҳаётий ва оилавий мақолаларни айнан ушбу газетадан топасиз деб ўйлайман. Албатта, сизнинг оилавий ма-

Эслатма: Хар соҳада тўқисман, бир ўғил ва бир қизим, 5 та набирам бор. Эллики қоралаб қолган пайтимда тинчим бузилди. Турмуш ўртоғим бир аёл билан юради. Мен эса ўзимни кераксиз бир буюмдай ҳис этаман.
Тоҳир НОРИМОВ



салангиз ҳам тез орада яхши ифода топаҳагиз. Ишонман ва ҳаётингиз ўз ўзига тушади деб умид қиламан.
Мухаррам САЙТБОВЕВА
Тошкент шаҳри

ТЎҚИСМАН ДЕБСИЗУ

Хар соҳада тўқисман, дебсизу, меҳрга ташналигингиз кўришиб турибди. Эрингиздан меҳр кутибсиз. Лекин у сиздан бу меҳрни дариг тутди. Сизда ҳам айб бор. Балким эрингизга ноҳўя гап айт-дандирсиз. Эракк киши қачон кўчадан бошқа аёлни излайди. Яхши муомала, ширин овқат, болалар тарбияси шулардан бирортаси бўлмадики, у айниийди. Сиз ҳам озгина ўзингизга қараб кўринг. Ахир айтишган-ку, онангни отангга пардозсиз кўрсатма, деб. Сиз ҳам шу мақолга озгина риоя қилинг. Балки эрингиз қайтиб келар. Ҳеч қачон ўзингизни қадрсиздай сезманг. Қизингиз, ўғлингиз, невараларингиз бор. Эрингизга керак бўлмасангиз ҳам фарзандларингизга кераксиз. Эрингиз бир кун албатта қайтиб келади. Хато қилганини албатта тушуниб етади. Мен бир

инсонни биламан. Гулдай хотини була туриб ўйинчи қизлар билан илакишиб қолди. Хар кун хар хил қизлар. Фарзанди ҳам кўзига кўринмади. Қизлар унинг ўзига эмас пулига ошиқ бўлишди. Хар кун келиб хотинини урарди. Онаси ундай қилма ахир хотининг, гулдай қизалогинг бор, шуларни ўйласанг-чи. "Бу ишларинг ўз бошингни ейди", - деб насихат берса ҳам кулогига аёли яна керак бўлди. Зино йўлларида юриб охири қамоққа тушди. Қани энди ўша дўстлар, ўша ноз-карашма ила боққан қизлар. Бирортаси яқинлашмади. Чунки унинг пули тулаган эди. Ҳаёт эса қамоқда. Қамоқдан чиқди-ю, ўша хўрлаган, эътибор бермаган аёли яна керак бўлди. Лекин у бошқага турмушга чиққан ва ўз бахтидан тинган эди. Мана кўрдингизми, эрингиз албатта сизга қайтиб келади. Сиз уни кўтинг. Бошига оғир кўн тушини. Унинг кўзи очилади. Лекин сиз уни кечиринг. У кўз очиб кўргангиз. Ахир у сиздан кечгани йўқ-ку. Севги ўйинларида адашганини тушуниб етади. Бу оддий хою-ҳавас.

Н. ЗАРИПОВА

КЎНГИЛ СИНСА...

Кўнгили инсоннинг энг нозик нуқтасидир. Кўнгили синса қайта тикланиши қийин. Тўғри, отахоннинг дил ишчалари синиб ўз уйларида бегона бўлиб қолибдилар. Ўғил отасига қўл кўтариши бу бизнинг ҳалқимизнинг турмуш тарзига тўғри келмайди. Эшитган қулоққа ҳунук туюлади. Отахоннинг ўғилларини Бехбўдийнинг "Падаркуш" драммасидаги ўғилга ўхшатдим. У ҳам маънавий қулоқ инсон эди. Чунки отаси уни пулим бор деб ўқитмади. Нега отангизга қўл кўтардингиз. У инсон сизни емай едирди, қиймай қийдирди. Оқибатда ўз уйида ўғли ва хотини томонидан хўрланса. Отангизга раҳмат, кечирибдилар. Қайтар дунё деганлар. Фалакнинг гардиши айла-

ШИРИН СЎЗНИНГ ҲАДОСИМАН - 42-сон

Эслатма: Куч-қувватим борига кўп қатори оиламни тебратдим. Болаларимни ҳеч қимдан ҳам қилмай вонга етказдим. Пешона терим билан қанчама иморат қурдим. Ногирон бўлиб қолганимдан бери ўз уйимда ортқчадеҳ ҳис этаман ўзимни. Хотиним ва ўғлим бир тараф, мен бир тарафман. Хатто ўғлим менга қўл кўтарди. Одам қариганда бир оғиз ширин сўзингиз гадоси бўлиб қоларкан.

Т.НОРИМОВ

монлар олдин ўзим ҳам қари отамни шу дарахнинг остига ташлаб кетгандим. Ўғлим, Қайтар дунё экан", дейди. Шунда ўғли уяланидан отасини кўтариб, ўз уйига олиб кетади. Умрининг охиригача отасининг яна ўз уйида ёлғизланиб қолмаслиги учун шароит яратиб берибди. Сиз ҳам отангизнинг қадрига етинг.

Нигора

Хурматли Нодиржон Каримов! Дил изхорингизни ўқиб, кўп ўйладим. Сиз "қизи бор аёлни севдим" дебсиз. Ҳаётда аёллар фар-



"Қолган кўнгилини овлаб бўлмас" - 34-сон

Эслатма: Хотиним вафот этгач, ёлғизлик азоби мени қийнай бошлади. Ака-укаларим фарзандларимга мени уялантириш кераклигини уқитишди. Аммо улар қулоқ солишмади. Ўзимга ёққан аёл билан учрашиб юрдим. Фарзандлар қаршилиқ қилишди. Кейинроқ фарзандларим толган аёлга уйландим, аммо у билан узоқ яшай олмадим.
Нодиржон КАРИМОВ

ЁШЛИКДА ХАТОЛАР КЎП БЎЛУР

Хотинининг ўғай тоғаси... - 43-сон

Эслатма: Биринчи хотинимдан ажрашгач, янгамнинг Шарифа исмли қариндошига уйландим. Аммо у фарзандларим, оила, рўзвор билан иши йўқ, енгил табиат бўлиб чиқди. Маҳаллада ҳам хотиним ҳақида гап-сўзлар кўпайиб қолди. Кейин билсам мен Шарифанинг тўртинчи эри эканман. Ажрашай десам акам янгамни ҳайдаб юборади, ажрашмай десам хиёнаткор аёл билан яшаш ўлимдан оғир.
Н.ЙЎЛДОШЕВА

Бир марта оилангиз бузилганидан кейинги турмуш ўртоғингиз Шарифахонни маҳалла, кўни-қўшнилардан суриштириб кейин уяланишингиз керак эди. Бу сизнинг ҳаётга енгил-елли қараганингиздандир. Хотинингизнинг хурмача қилиқларини билибсиз, нега маҳалларига мурожаат этмадингиз. Шунда ўғай тоғаларни (уларнинг ҳам оиласи бордир) тар-

тибга қақириб қўйишармиди? Ота-онангиз ҳам қариган чоғларида бироз бўлсаям ташвишсиз, тинч яшашлари керак-да! Илоҳи бўлса ўша биринчи турмуш ўртоғингиз олдида болаларингиз билан кечирим сўраб боринг. У ҳам она-ку, болаларини айна хозир тарбиялайдиган вақти. Айниқса қиз болаларга она керак. Бургага аччиқ қилиб кўрпани ёндирмай, уни кечириб уйингизга олиб келинг. Ёшликда хатолар кўп қилинади, кечиримли бўлинг. Бировга озор етказиш уруғини селган киши зарардан ўзга ҳосил олмайди, бошқаларга манфаат етказиш ноҳилини кўқартирган киши

тинчлик, шодлик мевасини ейди. Тоғ ёнида қичқириб нимани айтсангиз, акс садо билан ўша айтганингизни эшитасиз. "Нимани эксанг, шунга ўрасан", деган ҳикматли сўзни эсимиздан чиқармайлик.
Бу жаҳон-бир тоғ, кирдикоринг-нидо, Сен не десанг, уни такрор этади садо.
Бошингиздан шунча кўнгилисиз воқеалар ўтибди, аварияга ҳам учрабсиз. Акангизга ҳамма бўлган воқеани бафуржа тушунтириг, келиннингиз сизга фақат яхшилик тилаган. Ҳозир, ишларим яхши, дебсиз. Сабр-тоқат қилиб энди келажакда ақл билан маҳалла оқсоқоллари ва ота-онангизни маслаҳати билан иш тутсангиз оилангиз тўғри йўлга тушиб кетишига ишонман.
Мухаррам Носиржон қизи

6.10 «Военная программа». Александр Сладкова. 6.30 «Студия «Здоровье». 7.05 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу». 8.05 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ. 8.05, 15.10 «В Городе». Отчет за ноябрь. 8.40 Семин Альтов. «Обо-всем!». 9.10 «Сто к одному». Телеигра. 10.00 «Вокруг света». 11.00 «Диалоги о живот-ных». 12.10 Фильм «Дело было в Пенькове». 14.10 ПРЕМЬЕРА-Никита Михалков. Русский выбор. 15.10 «В Городе». 15.20 «Комната смеха». 16.25, 18.10 Николай Басков и многие другие в гала-концерте «Телеканал «Россия» собирает друзей». 19.00 «Кавказская пленница, или Новые приключения Шурика». 20.30 «В Городе». Отчет за ноябрь. 21.00, 0.00 ВЕСТИ. ВЫБОРЫ - 2003. 22.30 Комедия «Я ничего не знаю, но все расскажу».

«ТВ» ТЕЛЕКАНАЛ

6.25 Музыкальная комедия «Сильва». 7.50 «Лотерея АВТОВАЗ». 8.00, 12.00, 16.00 «СЕ-ГОДНЯ». 8.15 Погода на завтра. 8.20 Детское утро на НТВ. «ГОЛУБОЕ ДЕРЕВО». 9.00 ЦЕНТРИЗБИРКОМ.RU. 9.20 Лотерея «ШАР УДА-ЧИ». 9.35 «ДИМ ДОМА». 10.10 «РАСТИТЕЛЬНОЕ ЖИЗНЬ». 10.45 «ВОЕННОЕ ДЕЛО». 11.20 «АПЕЛЬСИНОВЫЙ СОК». 11.55 Играм в «Кино». 12.15 Погода на завтра. 12.20 «ВСЕ СРАЗУ!». 13.10 Фильм «РОДНАЯ КРОВЬ». 14.55 ВСУПНЫЕ ИСТОРИИ. 15.05 ВОСЬ ИГРА. 16.25 «ИХ НРАВЫ». 17.15 Премьера КОЛЛЕК-ЦИЯ ДАНИЭЛЬ СТИЛ: ВОСПОМИНАНИЯ». 18.20 «ПРЕСТУПЛЕНИЕ В СТИЛЕ «МОДЕРН»: ДЕПУ-ТАТ-НАВОДЧИК». 18.55 Комедия «СВИДАНИЕ ВСЛЕПУЮ». 21.00 «КОМЕДИИ». 22.30 НАМЕДИЯ-ЦВЕТОК КАКТУСА. 24.30 «СВОБОДА СЛОВА». ВЫБОРЫ-2003. ПОДВЕДЕ-НИЕ ИТОГОВ». 3.55 Окончание трансля-ции.

«ТВ» ТЕЛЕКАНАЛ

8.30 «Жизнь в слове». Регулярная передача. 9.00 Мультсериял «Ура-ганчики». 9.30 Мультсериял «Мис-тер Бэм». 10.00 Мультсериял «Мари Кейт и Эшли - супергеранты». 10.30 Мультсериял «Эво-люция». 11.00 Мультсериял «Му-мии возвращаются». 11.30 Семейное кино. X/Ф «МОИ БРАТЕЦ БЕЖЕ». 13.30 X/Ф «ДЕВСТВЕННИ-ЦЫ САМОУБИЙЦЫ». 15.30 Око в мир. О жизни в разных странах. 15.00 X/Ф «ПРЕСТУПЛЕ-НИЕ В РАЮ». 18.00 X/Ф «ПОСЛАННИК КОРОЛЕВЬЕ». 20.00 Документальный сериал «В огне». 20.30 Документальный сериал «Экстремальный контакт за ноябрь». 21.00 X/Ф «ДВОЙНИК». 22.30 X/Ф «НИРВАНА». 23.00 Телевизионный «ИСТО-РИИ О ПРИВИДЕНИЯХ». 1.30 X/Ф «НОЧНОЙ ПО-ЛЕТ». 3.30 Документальный се-риал «В огне». 4.00 Документальный се-риал «Экстремальный кон-такт».

«ТВ» ТЕЛЕКАНАЛ

8.35 «ДЕТИ КАПИТАНА ГРАНТА». Художественный фильм. 10.00 События. Время московское. 11.05 «Отчего, почему?». Программа для детей. 11.00 Мультради. «Ровно в 3.15», «Январный за-мок». 11.45 События. Время московское. 12.50 Музыкальный серпантин. 13.00 События. Время московское. 13.15 Звезда автострады. 13.30 «ШАГАЮ ПО МОС-КВЕ». Художественный фильм. (В 12.00 - События. Время московское). 15.00 События. Время московское. 15.05 «Волшебное коль-цо». Мультфильм. 15.25 Олег Табаков в про-грамме «Приглашает Бо-рис Нострат». 16.00 События. Время московское. 16.15 «Алфавит». Телегра- 16.55 Вст о здоровье в программе «21 кабинет». 17.25 «Наше трофейное кино». Анатолий Кузнецов о

«СТС» ТЕЛЕКАНАЛ

фильм «Дилжанс». 17.50 «Сказка о старом кедре». Мультфильм. 18.15 События. Время московское. 18.25 «Мир дикой приро-ды». Телевизионный фильм. 18.15 События. Время московское. 19.05 «Великая иллюзия». Программа С.Т.Говорухина. 19.55 События. Время московское. 20.00 Стройте, полиция! «КОМИССАР НАВАРРО». Теле-сериал (Франция). (В 19.00 - События. Время московское). 22.05 «Момент истины». Авторская программа. А.Ка-раулова. 22.55 Выборы-2003. Предварительные итоги. 1.25 Сильвестр Сталлоне в боевике «ВЗАПЕРТИ» (США). 1.30 «Салваторе Адамо в Москве». Концертная программа. 7.00 «Шоу Бени Хилла». Комедийное шоу. 7.30 «НОВАЯ ЖЕРТВА». Детективная молодрама. 8.25 «КОМЕДИЙНЫЙ КОК-ТЕЙЛЬ». 9.05, 14.15, 19.30 «Фиг-ли-Мигли». 9.30 Микс фэйт: бой без правил. 10.00 Познавательная передача. 11.05, 14.25 «Каламбур». 11.15 Даджест. 12.05 «ОБЫКНОВЕННОЕ ЧУДО». Комедия. 5.20 «КОМЕДИЙНЫЙ КОК-ТЕЙЛЬ». 16.00 Реалити-шоу «Го-лод». 17.00 «САША + МАША». Комедия. 17.30 «МОЯ РОДИНА». Комедия. 18.00 Школа ремонта. 18.00 «Шоу Бени Хил-ла». Комедийное шоу. 20.00 «Запретная зона» с Михаилом Пореченковым. Ток-шоу. 15.00 Реалити-шоу «Го-лод». 22.00 «ОБЫКНОВЕННОЕ ЧУДО». 23.35 Реалити-шоу «Го-лод». Спецвыпуск. 23.40 Микс фэйт: бой без правил. 0.15 «ЛИМАЗ СМЕРТИ». Детектив. 2.20 Календар бокса на ТНТ. 3.30 Окончание програм-

«СТС» ТЕЛЕКАНАЛ

Музыка на СТС. 8.25 «Приключения Мар-ка Твена». 10.00 «Лапши - малень-кий башкирчик». 10.30 Улица Сезам. 11.00 «Фиглигер и Лопак-ка». Мультфильм. 11.30 «Пусто Норман». Мультфильм. 12.00 «Пучини». Мульт-фильм. 12.15 «Ник и Перри». Мультфильм. 12.30 «Полудра!» Теле-игра. 13.00 Утро с Киркоровым. 14.00 «Кресло». Игровое шоу. 15.00 «Самый умный». Телеигра. 17.00 Скрытая камера. 18.00 О.С.П.-студия. 19.00 «История в деталях». Специальный выпуск. 19.30 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ». X/Ф «ЛЕКАР-СТВО ОТ СКУКИ». 21.00 Кино на СТС. «БРИЛЛИАНТОВЫЙ ПОЛИЦЕЙСКИЙ». 23.00 Кино на СТС. «ПРИНЦЕССА МЕЧЕЙ». 1.05 Кино на СТС. «БРИ-ОЛИН». 3.30 Кино на СТС. «КРО-ВАВИЙ КОШМАР». 5.05 Кино на СТС. «ФА-ТАЛЬНАЯ ПУТАНИЦА».

«ДТВ» ТЕЛЕКАНАЛ

9.30 Бизнес-чат. 10.00 Мультсериял «Иван из Юкна». 10.25 Придай жизни вкус. 10.30 «В гостях у Тофи-ка». Детская программа. 11.00 Мультфильм. 11.26, 18.18, 1.13 Придай жизни вкус. 11.30 Мультсериял «Пла-нета монстров». 12.00 Каламбур. 12.35 Всегда готовь. 13.10 Сериал «ПРИВЕТ ОТ ТЕСКИ». 14.00 X/Ф «ВА-БАНК 1». 16.10 Невероятные кол-лекции. 16.40 Толобайки. 17.15 Сериал «V.I.P.». 18.25 Снеходром. 19.55 X/Ф «ЧАСТНЫЙ ДЕ-ТЕКТИВ». 22.00 X/Ф «СКОРО ВСЕ НАЛАДИТСЯ». 24.05 Клиника рекордов. 24.40 Невенная. 1.15 Сериал «ВОЗДУШ-НАЯ ПОЛИЦИЯ». 2.15 Playboу. 2.50 Сериал «ЗОНА ДЬЯ-ВОЛА».

Advertisement for 'Oilа va jamiyat' newspaper. Features a camel and a cobra illustration. Text includes: '2004 YIL UCHUN OBUNA BO'LDINGIZMI?', 'Aziz ota-onalar biz bolajonlarni ham shod etmoq ushun sevimli gazetamizga obuna bo'lishni unutmang!', 'OSIYONING HAYVONOT DUNIYO SI', 'O'ZINGIZNING', 'IKKI O'RKACHLI TUYA', 'KOBRA'.

(Боши ўтган сонда)

Аммам кетгандан кейин яна иктисодий жиҳатдан қийналиб қолдик. Акамни ишлари юришмади. Мени ота-онамдан олиб келган пулларим аммамни келгани муносабатига ишлатилиб кетганди. Ундан, - бундан қарз олиб акам, иккаламиз зўрга нон олишга ишлатиб турардик. Мен эса университетда эртадан-кечгача ўқир, лекин тушлик қилмасдим. Чунки менда бир чақа ҳам йўқ эди. Уртоқларимдан қарз сўрашга уялар эдим. Худога шукрки вақтида феврал ойига чипта олиб кўйган эканман. Автобусларда бемалол юрардим. Аммо бу илжинимдан ҳам айрилдим.

Февралда куни эди, акам дарсга бормаганимдан фойдаланиб мендан ойлик чиптамни сўради. Мен йўқ дея олмай, уни акамга бердим. Кеч кирганда акам қайтиб келди. У чарчаганданми хар тугул хоргин, хафа кўринарди. Мени ёнига чакриб, ойлик чиптамни йўқотиб кўйганини айтди. Устимдан бир челек совуқ сув куйгандай бўлди. Мен нима қилишни билмасдим. Ёнимда пулим бўлса бошқа сотиб олардим. Аммо ҳозир пул йўқ. - "бундан кейин автобусда қатнаш пулингни ўзим тўлайман", - деди. Мен индамадим. Ўрнимдан туриб хонамга кирдим. Энди нима қилдим. Ёнимда 1 тийин ҳам йўқ, Дунё кўзимга тор кўринди, кўзларимга ёш келди. Ўрнимга ётдим. Кўзимда ёшим билан ухлаб қолдим.

Тонг отди. Уйдан безиб қолганлигим учун, тонгда чиқиб, кечда келардим. Ўрнимдан турдим-у, кийиндим. Энди эшикдан чиқётганимда, автобусга тўлаш учун пулим йўқлиги ёдимга тўшди. Қайтиб ичкарига кирдим. Гўзал опам ва акам хали уйкуда эди. Хона эшигини тақиллатдим. Опам чиқди. Опамдан Мурод акамни сўрадим. Опам:

- Мурод акамг тонг сахар чиқиб кетувди, - деди
- Менга автобусга пул бериб туринг, - дедим. Опам пули йўқлигини айтди.
- Акам менга автобусга тўлаш учун пул қолдирмадими? - деб



Бирдан хаёлимга келган фикрдан ўзим қувониб кетдим. Бизга яқин домларнинг бирида Сардор исмли курсдошим ҳам турарди. Ушани бекатга чиқишни кутаман. Аммо орадан 2 соат ўтса ҳам Сардордан дарак бўлмади. Бекатда 3 соатлар турдим. Хаво совуқ. Совуқдан этим жунжикиб кетди. Балки Гўзал опам оркамдан йўқлаб чиқар деб ўйладим. Опам ҳам чиқарди. Совуқданми, кўп йиғлаганимданми бурнумдан сув оқа бошланди. Рўмолчамни олиш учун сумкамни очдим. Кўп йиғлаганимдан кўзларим хиралашиб, рўмолчам қардалигини излардим. Ногоҳ сумкамнинг яширин чўнтагини очдим ва рўмолчамни олдим. Уни олаётганимда ниманидир жаранглаганини эшитдим. Бирдан хушёр тортдим. Уни олсам бир қанча майда чақалар экан. Хаммасини ҳисобласам, университетга бемалол етиб оларканман. Автобусга чиқдим, университетга кетдим. Шундай қилиб яна 1 ой ўтиб

кетди. Мурод акамни менга нисбатан муносабати ўзгарган. Арзимаган нарсаларга мени тез уришадиган бўлди. Равшан билан ўйнаб ўтирганимни курс, ўглини олдимдан олиб кетарди. Гоҳида Равшан тагини ҳўллаб қўйса, овозини бори-ча йиғларди. Унинг кийимини алмашираётганимда акам келиб қолар ва мени Равшанни урганда айблар, мен эса раҳматга тўхмат олиб қолаверардим.

Бир куни Сардор билан автобусдан тушимди ва хар кунгидек хайрлашиб уйга бурилдим. Бизни тепадан акам кузатиб турган экан. Уйга киришим билан у бола ким деб сўради. Мен у курсдошим эканлигини, бир гурупада ўқишимни, дарсдан чиққандан кейин бир автобусда келишимни айтдим. Акамни ҳақли қилди: "бундан кейин бу билан бирга юргангини, хаттоки бир автобусдан тушганингни ҳам кўрмай", - деди. Акамни хар кунги инжиқликларига ўрганиб кетганим учун индамай қўя қолдим. Ундан кейин у акамга тушунтиришни умуман фойдаси йўқ. Ундан кўра парво қилмаган маъқул.

Бир куни дўкондан нон олиш учун тушдим. Дўконда Сардорни учратиб қолдим. У билан дeryли салом-алиқдан нарига ўтмадик. Унинг қўлида мен анча вақтдан бўён қидираётган китоб бор эди. Мен ундан китобни ўқишга бериб туришини сўрадим. У китобни берди. Мен уйга қайтиб кирганимда опам ўғли билан мени кутиб турарди. Гўзал опам қўлимдаги китобни қардан олганимни сўради. Мен қисқа қилиб: - Сардордан, - дедим. Кечга яқин акам келди. Дастурхон атрофида ўтирганда опам мени Сардордан китоб олганлигимни айтиб қўйди. Яна жанжал бўлди. Мен дастурхон атрофидан туриб кетдим. Хонамга кириб аламдан йиғладим. Бир кун домламиз бизни дарс тайёрлаганимиз учун жазолади. Биз уйга берилган топшириқни дарсдан кейин қилиб бажариб, топширдик.

Дарсдан чиққанимизда жуда кеч бўлганди. Биз хар доимгидек Сардор билан бирга уйга қайтдик. Бекатда мени акам кутиб турган экан. Мен акам билан олдинма-кетин уйга кирдим. Уйга киргандан кейин акам мени шунча вақтдан бери қарда юрганимни сўради. Мен дарсда эканлигимни айтдим, акам ишонмади. Акам мени шунақанги уришиб берди-ки, унақа сўзларни умримда эшитмагандим. Акам мени бузук қизга чиқарди. Хатто дадамни чакриб нима ишлар қилиб юрганлигимни айтишини айтди. Мен қанчалик ўзимни оқлашга уринмайди. Хонамга кириб яна йиғладим. Шунчалар хўрлик бўладими? Нимага акам мени бунча қийнади? Эй худо, қайси қилган гуноҳларим учун азоб берайсан? Шунчалик кўп йиғлаганимдан хатто-ки кўзларимда ёш қолмади. Мен умримда биринчи марта бундай ҳолатга тушдим. Ётган ўрнимдан турдим. Етар! Хар нарсани чегараси бўлмади. Энди бунақаси кетмайди. Сабр қосам тўлди. Энди кўради мендан. Мени хали қандайлигимни билмас экан. Тонг отсин хаммасини ўзим билгандай қиламан.

Тонг отди. Биринчи қилган ишим акамдан қарзга олган пулни сўрадим. Акам тан олмади ва пул бермаслигини айтди. Мен акам билан анча жанжал қилдим ва ўқишга кетдим. Нимагадир ўқишга келиб Сардорни ҳам ёмон кўриб қолдим. Хар доим у билан бирга уйга қайтсам зерикмасдим. Энди бўлса уни кўргани кўзим йўқ эди. Эрталаб ундан 20 минут олдин чиқардим. Қайтишда эса бири кетишини таклиф қилса, хар хил баҳоналар қилиб мени кутмай кетаверишини айттардим. Тасодифан бир автобусга чиқиб қолсам, кейинги бекатда тушиб қолиб кейинги автобусда кетардим. Бу ўзгаришни Сардор сезди шекилли, мендан бунчи сабабини сўради. Мен индамадим. Нима ҳам дердим.

Шундай қилиб бир йил ўтди. Икки кунда бераман деб қарз олган акам 3 ой деганда берди. Бу ўртада унча-мунча можарола бўлиб ўтди. Мен чидай олмай талабалар уйига қимчқокчи бўлдим. Аммо энди кеч эди. Бошқа танишим бўлмаганлиги учун 1-курсни битирганимча шу ердга қолишга мажбур бўлдим. Ёзги имтиҳонларни охириги топширган захотим кийимларимни олиб туғилиб ўсган

уйимга қайтиб кетдим. Акам мени уйга қайтиб келмайди-ган қилиб чиқариб юборди. Аммо мен қайтиб бордим. Чунки Гўзал опам билан жияним Равшани кўргим келарди. Акам уйда йўқ вақти бориб кўриб келардим. Мана ўшанга ҳам икки йил бўлибди. Хозир талабалар уйида тураман. Уртоқларимни жуда яхши кўраман. Биз ахил бўлиб яша-япмиз. Аммо мен хаммаша қулиб юрардим. Одамларга яхши муносабатда бўлардим. Бир йил фақат жанжални орасида яшаганим учунми билмадим. Характерим жудаям қўпол бўлиб қолган. Уша бир йиллик ўтмишимни эслаб хафа бўламан. Бир йиллик умримни шунчаки ўтказиб юборганимдан афсусдаман. Балки вақтида талабала уйига чиққанимда шунақалик воқеалар бўлмасмиди. Лекин опамдан мингдан-нинг розиман. Мени ўз қизидай кўрди, меҳрибон бўлди. Акам билан жанжаллашиб қолганимда ҳам, хар гал мени ёнимни оларди. Чунки акам мени ноҳақ уришишини билардим. Мен бир йил бошимдан ўтказганларимни ота-онамга айтиб бермадим. Чунки уларни сиқилишини истатамадим. Неча мартабта газетга ёзмакчи бўлдим. Аммо бу фикримдан қайтдим.

Яқинда гўзал опамни кўргани уйига бордим. Орадан икки йил ўтса ҳам, суҳбат ўша кечирган бир йилга бориб тақалди. Суҳбат орасида опам шундай деди: - Мурод акамгни сенга нисбатан муносабати ўзгаришига онаси сабабчи бўлган экан. Сенга нисбатан қаттиқ қўл бўлишга мажбур қилган экан. Акам шундан кейин сенга нисбатан муносабатини ўзгартирган. Хозир акам сени ўшандажа хафа қилганидан пушаймон. Сендан келирмин сўрамоқчи. Иложи бўлса акамгни кечир. Ўтмишда фақат яхши гаплар қолар экан.

Гўзал опам билан хайрлашиб, автобусга ўтирдим. Узок уйга толдим. Мен қарда хато қилдим. Қош қўяман деб, кўз чиқардиммикан. Талабалар уйига чиқиб опамни хафа қилмай деб акам билан етти ёт бегона бўлиб қолдик. Балки муносабатларимиз ўрнига тушиб кетар, лекин кўнглимда тугун қолади. Шундай экан эй азиз инсонлар, бир-бирингизга меҳрли бўлиб вақтида унинг қадрига етинг. Бу дунё ўткинчилигини, унда биз омонат эканлигимизни унутманг.

Бону

Ҳеч бир қиз нуқсонли бўлмасин экан, дунёда. Мени сал тилим чучқрок. Шунинг учун кечроқ турмуш кўрдим. Минг афсуски... Худо мени бу сафар ҳам суймади. Қиш кунлари эди. Қишлоғимиз оралаб бир аёл бизнинг уйни сўроқлаб келди. Оқ-сарикдан келган сипогина кийинган, кўринишидан ювош табиатли бу аёл менинг бўлакақ қайнона эди. Уларни яхши кутиб олдик. Хол-аҳвол сўрашиб бўлган ўзи Бекобод шаҳридан эканлигини, ҳовли-жойлари, кўп қаватли уйда квартиралари борлигини, 3 ўғил бир қизни вояга етказганлигини айтди. Катта ўғли уйланиб ажрашганиги учун менга совчи бўлиб келибди. Хуллас зиёфат тугаб ўйларига кетди. Улар уйимдагилар орасида яхши таассурот қолдиришди. Мен эса негадир турмушга чиқшга розилик бермадим. Лекин онам: - Қизим ёшинг ўтиб бораёпти. Қараросттўй аёл экан. Уланинг уйланганлигини рўй-рост айтди. Келиним ёмон чиқди, деди-ку! Агар бошқа аёл бўлганида бунга яширарди. Қизим ўйлаб кўр. Шаҳарда, қўйинчилик кўрмай яшайсан. Сен учун омаддан дарак эмасми? - деди Охири рози бўлдим. Қайнона бошқа сафар келганларида тўйимизни кичикроқ қилиб ўтказишини, тўй харажати ўрнига бизга рўзгор буюмлари олиб беришини таъкидлади. На илоҳ биз рози бўлдик. Тўй кунни ҳам етиб келди. Бекобод шаҳридаги маҳаллалардан бирига келдик. Машинадан тушиб қарар эканман, ташқаридан тўй таррадуди се-

ҚИЗИМ УЧУН ЯШАЯТМАН...

зилмасди. Ичкарига кирдим, қарасам битта ҳовли иккига бўлинган экан. Ҳовли жуда тор эдик. Тўй маросимига эса 20 кишикеканди, холос. Биз фақат никоҳ ўқитдик ЗАГдан ҳам ўтмадик. Ҳақиқий муаммолар энди бошланди. Ўз қишлоғимда шунча яшаб шу уйдагидек онги паст, худбин, баҳил одамларни кўрмагандим. Тўйим кулгули тарзда ўтгани ҳам майла-я, бу уйнинг қонун-қондалари галати эди. Кўчага чиқишим, қўни-қўшни билан гаплашим таъқиқланганди. Тилим чучқолиги учун қайнона уяланти, деб ўйлардим. Лекин масала бошқа экан. Ховлига чиқиб хайрон қолардим. Дарвоза бир, ҳовли иккига бўлинган, ярмига-ча девор, ярмига эса сым тўй тортилган эди. Ёнг муҳими айнан шу тарафдаги одамлар билан гаплашиш мумкин эмас эди. Лекин мен одамлари содда, хушчақчақ ҳазил мутўйибани севувчи юрт боласиман. Уйда ҳеч ким қолмаганда ён-атрофдаги келинлар билан гаплашардим. Аста-секин тушган ҳовлимнинг сирлари очила бошлади. Эрим уйлангани рост экан-у, аммо хотини билан ажрашмаган экан. Тўйдан сўнг 3 ой ўтиб сирли равишда ўзини осиб ўлдирган экан. Ҳовлининг ярмида шу уйлари ҳақиқий эгалари, қайнонанинг акасини хотини

ва уч ўғли яшар экан. Қайнонанинг акаси оламдан ўтгандан кейин, ҳовлининг ярмини қайнонам қингир йўллар билан акасидан тортиб олган экан. Шунинг учун бу ҳовлига ҳеч ким кирмас, тўй маъракаларга айтмасди. Қайнонам ўз акасини 3 етим боласини кўз ёшини оқизгани учун уни қарғиш урган экан. Бу оилада қайнотам қул, ўғиллари эса телевизор кўришдан бошқа ярамасди. Уйлариди буйи етган қиз бўла туриб хамма жой ивиришиб ётарди. Буни янги келин бўлиб келганимдан пайқатардим. Яна қайнонамни қизқай одалтирдан бири, тез-тез ҳовлига қул селиб турар, банкага қайдандир сув олиб келиб девор томонга сочар шу сингари қилиқлари кўп эди. Кейин билсам қайнонам илму-амалга, иссиқ-совуққа муқасиданкетган одам экан. Қайнонам ҳеч қарда ишламасди. Орадан кўп ўтмасдан қайнонам мени қўшириб билан гаплашганимни билиб қолди. Эримга роса дўппослаттирди. Эрим ҳам арзимас баҳона топиб аямай урадиган одат чиқарди. Бир хафталаб кўчага чиқолмасдим. Кўкарган юзимни яширардим. Буларни асосида қайнонам турарди. Шу орада қизчам туғилди. Энди тинч яшаб кетармиз, деган умидда эдим йўқ ақсинча бўлди. Эрим: "Қиз меники эмас ўйнашингдан ортиргансан", - деб туриб

олди. Ҳаётдан тўйиб кетганимдан дунё кўзимга тор бўлиб кетди. Омборга кириб арқон олиб чиқётганимди, қимдир сым тўр томондан чакриди, ўтирилдим. Ҳовлини ярмида яшовчи аёл эди. У мени хатти-харакатимни тандирга олов ёқатиб, кузатиб турган экан, ёнларига бордим. "Нима қилмоқчисиз?" - деб сўради. Бирдан томоғимга нимадир тикилди, йиғлаб юбордим. Аёл ҳам йиғлаб, мени баррига босиб, бошимни силади-да: "Мен ҳам келинлигимда шундай қилмоқчи эдим", - деди. Бирдан сергак тортидим. Узи ҳам бир неча йил олдин атрофдаги қишлоқдан келин бўлиб тушган, биринчи ўғли туғилган, кейин шу ўғли учун яшаганини айтди. Менга эса фарзандим учун яшашим кераклигини ўқтирди. Бу ердан қизимни олиб кетишимни таъкидлади. У ўқитувчи эди. Гаплари ҳам маъноли, шахарга келганига 20 йил бўлса ҳам қишлоқ нафаси уфуриб турарди. Шу кунни қизчамни олиб онамникига кетдим. Онамга бор гални айтдим. Бизнинг қишлоққа қиз излаб келгани сабаби у оиланинг қандайлиги бутун Бекобод шаҳрига маълум экан. Бекобод шаҳри кичкина бўлгани сабабли бу оиланинг қилмишларини шаҳарда хамма биларкан. Ҳозир ишляпман. Қизим учун яшапман. Келажакдаги орузум қизимни ўқитувчи қилиш. Мени ҳаётга яшашига қайтарган ўша аёл каби ўқитувчи бўлсин.

Бекобод

Н.

Ўзим тadbиркорман, савдо-сотик билан шугулланаман. Ушбу ёзганларимни Малика исмли қиз ўқиниши жуда истардим. У билан танишганимга уч ойдан ошди. Уни кўрмаган, фақат телефон орқали гаплашган бўлсам ҳам, у ҳақдаги фикрларим яхши. Кўнгирикларимга, хатларимга жавоб бўлмагани учун дил сўзларимни севимли газетам орқали унга етказишга қарор қилдим. Маликанинг ҳаётига кириб бормаган бўлсам ҳам, фақат унга яхшилик ва чиройли бахт тилайман. Мақтубим гамгинроқ ёзилган бўлса-да, аслида жуда хушчакчақ йигитман. Доимо яхши кунлар умиди билан яшайман.

Малика! Сиз билан илк бор танишганимда мактубингиздаги сўзларни шундайлигича қабул қилганман. Хар бир сўзимни минг истихоло билан ёзганман. Тўғри, инсоннинг кўнглига кириб бориш жуда қийин. Агар унда кўнгли

ман, дегандим. Чунки, ширинлик инсонга қанчалик лаззат берса, шунчалик у роҳатланади. Ҳаёт ҳам инсонга ана шундай роҳат-фароғат беришини истайман. Кани эди дунёдаги барча инсонлар шу қисқа дунёда фароғатда яшашса...

ИНСОН БАХТНИ



ЎЗИ ЯРАТАДИ

Сиз: "Ҳаётимни шошмасдан, ўйлаб қураман", - дедингиз. Тўғри, ахир тақдирни яратишда шошмаслик керак. Шу берилган умрни мазмунли ўтказиш зарур. Малика, сиз шу вақт ичида расмимни ҳам сўрамадингиз, мен ҳам сўрамадим. Балки,

тўғри қилгандирми... Эҳтимол гуруримиз керагидан ортиқдир. Аммо кибру ҳавони жуда ёмон кўраман. Сийрат инсон билан тугилади, дейишди ахир.

Инсон табиати жуда мураккаб. У ҳаётда ўзи билганича йўл тутади. Ўз билганини қилади. Ҳаёт тарзини ўзи яратади. Барча инсонларга назар солсангиз, улар ўзи танлаган хар хил йўлларда умр ўтказишяпти. Бири ундок, бири бундок... Барибир танлаш ҳуқуқи инсоннинг қўлида. Буларни айтишимдан мақсад инсон шундай яшаш керакки, ҳаёти мазмунли ўтсин. Мен маънавий дунёни ҳамма нарсадан устун қўяман.

Инсонни улуғлайдиган яна бир фазилат ҳақида гапирмоқчиман. Бу камтарлик. Бундай фазилат эгаларини жуда қадрлайман. Айримлар бундай фазилат соҳибларини нўноқ ёки лапашанг, деб ҳам ўйлашади. Бу ҳақоратдан бўлак нарса эмас. Камтарлик инсонни мўътабар қилади. У кўрагига уриб гапирмайди, обрў талашмайди, қилган ишларини кўз-кўз қилмайди. Бирок, кўплаб саовоби ишларни қилаверади. Мен ана шундайларга ҳавас қиламан. Бундай инсонларнинг айтадиган гаплари ҳам кўнгиликларининг тубидан чиқади. Кези келганда эса, кўнгилини тубида қолиб ҳам кетавериниш мумкин. Ўғалар тушунмайдиган бундай гапларни ёзишимнинг боиси, сиз шуни тушунсангиз. Ҳаётимни шундай кўрмоқчиманки, менга умр бўйи ҳамроҳлик қилувчи аёл мени тушунса... Ҳаётга бўлган қарашларимиз яқин бўлса. Бахтли яшаш, чиройли, покиза, ақлли фарзандлар камлини кўриш, яхши ном қол-

Сизга айтмоқчи бўлганларим

дириш унинг ҳам орзуси бўлса... Ички дунёси гўзал инсон ташқи гўзалликка эга инсондан ўн чандон гўзалроқдир. Малика, ўшанда ўтмишимни сўрадингиз. Мен эса бу мавзунини четлаб ўтдим. Сабаби, хиёнат оралаган ўтмишимни эслагим йўқ эди. Шунинг учун хиёнаткорлардан нафратланаман. Ёзаётганларим банд-парвоз сўзлар эмас. Мен ҳаётда аслида шундайман. Бўлажак ҳаётимни, оиламни, борлигимни поклик устига кўрмоқчиман. Бунга албатта эришаман. Ёзганларим тушқунлик ҳолатини эслатмасин. Тушқунлик менга ёт. Бу ҳаётда эришганимга шукр, эришмаганимга умид қиламан. Атрофимда яхши

одамлар кўплигига шукр қиламан. Бир куни барча шукроналарим том маънодаги бахт бўлиб йиғилиб келса ажабмас...

Малика! Биласизми, мен буларни нима учун ёзаяпман? Сизга айтмоқчи бўлган гапларим кўп эди. Хатларга сизмаган гапларим ушбу саҳифаларга ҳам сизга керак. Сизни қандай тасаввур қилган бўлсам ўшандайсиз. Гарчи сизнинг ўйларингиз ўзгарган бўлса ҳам, кўнглингизга таскин бағишлайдиган гаплар айтмаган бўлсам-да, хотиржанман. Сабаби, дилингизга озор етказмадим. Мен излаган нарсамни топмаган бўлсам хафа эмасман. Шаҳрингизга бориб айлиниб юрарканман: "Бориб учрашмасмикан?" - деб ҳам ўйладим. Аммо бундан ўзимни тийдим. Бундай йўл тутиш гайритабиийдек туюлди. Ҳиёбонларни айлиниб юрарканман, менга фақат ҳаёлларим ҳамроҳ бўлди. Ва мактубларимга сизмаган сатрларимни газетага ёзишга ундади. Барча ёзганларим самимий. Шу билан бирга самимий тиллақларимни ҳам битиб қоламан. Малика! Ҳаётдан доимо қувониб яшанг. Унинг икки-чиркирлари олдида иккиланманг. Хар қандай ташвишу қувончларга тайёр тулинг. Инсон бахтини ўз қўли билан яратади. Демак, сиз ҳам шундай қилинг. Гарчи, энди менга мактуб ёзмасангиз ҳам, ушбу сўзларимни кўнглингиздан ўтказиб қўйинг. Зеро хар бир ибтидонинг интихоси яхшилик билан тугагани чиройли, шундай эмасми?

Ишққа гадо дилда шохликка нафрат, Таянчу умиди - сабр ва тоқат.

Ташқаридан хароб кўрсинсалар ҳам, Диллари Каъбадек серкубба, кўркам. Сувдан жудоми деб хаёл қилмагил, Алар ташналигини боса олмас Нил.

Ушбу ёзганларим Умидларнинг Маликалар учун кўнгли биткилари бўлиб қолсин. Самимий эҳтиром билан ўша, сиз билган ва эҳтимол билмаган, билишга улгурмаган, балки билишни истамаган.

УМИД

Андижон вилояти Асака шахри

ПОЕЗД ЙЎЛИДАГИ СИГИР

Яқинда русиялик машҳур ҳайвонлар билан ўтказган руҳий тажрибалари ҳақида ўқиб қолдим. Мақолада ёзилишича, телелатия - яъни масофадан туриб информация узатиш ҳодисасини ҳайвонларда ҳам кузатиш мумкин экан. Дуров ўзининг ўргатилган итига хонадаги стулга, ундан пианино устига чиқиб қишга фикран буйруқ берган. Бу вази-

калаётган эди. Бу поезд йўли жамоа ҳўжалигининг энг чеккасидаги бригада даласини кесиб ўтар, шунинг

учун қўй ва молларни поезд босиб кетиши ҳоллари тез-тез содир бўлиб турарди.

Бир лаҳзагина хушимни йўқотдим. Сўнгра ҳон ҳолатда ўша ёққа югурдим. Бор кучим билан югурардим, лекин худди тушимда югурётгандек йўлим сира қисқармасди. Оёғимга тиканак кирар, кесаклар ботар лекин мен буларга парво қилмай олдинга, фақат олдинга интилардим. Ниҳоят, дала тугаб поезд йўлини қиррали тошчалар сочилиб ётган эстагига етиб келдим. Лекин шу онда ҳалокат рўй берди: тошчалар орасидан чиқиб турган симгами, қозикчамни оёғим илиниб учтўрт метрлар нарига учиб кетдим. Қайта турмоқчи бўлдим, лекин оғриқ зўридан додлаб яна ўтириб қолдим. Сигиримга етишимга бир неча метр қолганди. Алам билан юқорига қарадим, ҳаммасига тушундим. Сигирим арқони ниҳоятда пишқиб бўлиб уни қайта боғланган темир қозик релс билан унинг тусини орасига кириб қолган, шу сабабли хар қанча ҳаракат қилмасин сигир

поезд йўл ўртасидан ҳеч қандай кета олмасди. Поезд бу вақтда жуда ҳам яқинлашиб қолган, уни тирик қолишидан деярли умидимни узган эдим. Сигир арқонни тортавериб чарчади шекилли, наҳот сўрагандек сўнгги марта менга қаради. Кўзлар тўқнашди.

— Қоч! Тезроқ қоч! Бўлмаса ўласан?

Унсиз хитоб қилдим. Шу пайт мўъжиза содир бўлди. Сигир гайритабиий овоз чиқарди-да, таърифлаб бўлмайдиган қандайдир ёввойи куч билан пастга интилди. Уни арқони узилибгина қолмасдан, сигир пастликка бир неча марта думалаб кетди... Ҳозиргина сигир турган жойдан поезд шитоб билан ўйиб кетди... Кейинчалик йўлаб кўрсам, ўшанда сигиримга фикран буйруқ берган эканман. Сигир ҳам қадрдон эгасининг фикрини тўғри қабул қилган ва содир бўлиши муқаррар фожеани ўз вақтида англаган экан.

Ҳа, ҳаётда биз билмаган сир-синоатлар ниҳоятда кўп.

Бу ҳақда физика фанида буюк кашфиётлар яратган атоқли олим Ньютон шундай деган эди:

"Мен ўзимни соҳилда ўйнаб юриб силлиқ тошлар ёки одатдагидан чиройлироқ чиганоклар топиб олган болакайга ўхшатаман. Ваҳоланки, олдимизда тилсимотлар океани мавжлиниб ётибди".

Ҳожимурод АБДУРАҲИМОВ

МЕН ШУНДАЙ ДАВОЛАНАМАН

УЙКУСИЗЛИКДАН КУТУЛИНГ

Кейинги пайтлари уйқусизлик балосига дучор бўлдим. Қани энди кўзимга уйқу келса. Бир дугонам уйқусизликка қарши Кавказ халқ табобатидан маълум бўлган бир муолажа ёзилган қоғозчани берди. Уйқусизлик жонимдан ўтавергач ўша муолажани, фойдасига бир ишониб, бир ишонмай эринибгина тайёрладим. Қора ноннинг (жайдари буғдой уни) магзини олдим. Унга тенг микдорда тузланган бодрингни олиб устига майдалаб тўградим. Яна қатиқ ва тупроқ қўшиб яхшилаб аралаштирдим. Аралашма бўтқа шаклида бўлди. Шу аралашмани эрталаб, кундузи ва кечкурун ухладан олдин 20-25 дақиқа давомида пешонамга ниқоб шаклида суртиб ўтирдим. Бир неча кундан сўнг яхши ухлайдиган бўлдим.

Райҳона

Самарқанд шахри

ИССИҚЛИКНИ ТУШИРУВЧИ МУОЛАЖА

Болалигимдан бери ҳароратим кўтарилиб хасталаниб қоладиган бўлсам, ойим дори ичирмасдан оёғимга сиркали сувда намланган докани компресс қилиб даволардилар. Ҳозирги кунда иккита фарзандимни ҳам ана шу муолажалари асосида даволайман. Аслида ҳарорат кўтарилиши, бу организмнинг касалликка қарши курашиш хусусияти бўлиб, уни дарҳол таблетка-дорилар ёки укол билан туширишга шошилмаслик керак. Фақат жуда ҳам баланд бўлгандагина пасайтириш лозим. Мен оиламизда бирор кишининг ҳарорати жуда ҳам баланд бўла бошласагина бир ош қошиқ сиркага 3 ош қошиқ сув аралаштириб унга табиий узун пайпоқни ботириб олиб сиқиб ташлайман-да, сўнг кийдириб қўяман. Устидан иссиқ мато ёки рўмол билан ўраб қўяман. Шу аҳволда эрталабгача ҳам ухлаш мумкин. Агар табиий матоли пайпоқлар бўлмаса бинт ёки докани ботириб сўнгра сиқиб ташлаб ўраб қўйиш ҳам мумкин. Бу муолажа безарар бўлиб тезда ҳарорат пасаяди.

Зарина

Самарқанд шахри

СОВУН ГРИПП КУШАНДАСИ

Ишхонамизда бир аёл ишларди. Хўш, ишласа ишлабди-да дерсиз. У ҳеч қачон касал бўлмасди ва касаллик варақаси нималигини умрида кўрмаганди. Шунингдек, иккита фарзанди бўлиб, бири боғчага, бири мактабга қатнарди. Қизиғи шундаки, ана шу икки боласи ҳам ҳеч қачон касал бўлмасди. Мен унинг сирини билишга қизиқиб қолдим. Унинг айтишича, ҳар куни овқатдан олдин кўлини ўзи ҳам, болалари ҳам оддий кир совунни билан ювишаркан. Бундан ташқари ҳар куни эрталаб ювинаётганда бармоқларини кир совунга ботириб олиб бурун тешиқларини ҳам совун билан ювишаркан холос. Мен ҳам ҳар куни ювинаётганимда унинг айтганларини беихтиёр такрорлайдиган бўлдим. Аста-секин натижасини била бошладим. Кейин билсам оддий кир совунни ҳақиқатан ҳам ҳар хил микроблар ва вируслардан сақланишда яхши восита экан. Вируслар ва микроблар кўпинча инсон танасига нафас йўллари орқали кириши ҳақиқат. Демак, бурун тешиқларини совун билан ювиш орқали улардан сақланиш мумкин экан. Мана, ҳадемай грипп хасталиги кўлайиб кетади. Унинг олдини олиш учун ҳозирдан шу безарар муолажадан фойдаланиб кўринглар.



Наргиза

ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ МУЗ ПАРЧАСИ

Сал шамолласам дарҳол лабимга учуқ тошиб кетаверади. Бундан кўринишим бир аҳволга тушгани ҳам майли, оғриғига чидаб бўлмайди. Аҳволимни табибчилик билан шуғулланувчи бир кишига айтиб маслаҳат сўраган эдим. У менга қуйидаги муолажадан фойдаланишимни тавсия этди. Лабларим қичишиб, учуқ чиқа бошлашини сезишим билан музлатгичдан бир парча муз олиб, уни докага ёки қоғоз салфеткага ўраб қичишган жойига қўяман. Муолажани 5 дақиқадан кунига бир неча марта такрорлайман. Лабларимга учуқ тошмай, йўқолиб кетади.


Дилафруз

Бўстонлик тумани



ПИШИБ ЕТИЛГАН БОДРИНГ УРУҒИ ҲАМ ДАВО

Бир куни буйрагим қаттиқ оғриб қолди. Шифокорлар аппаратга тушириб текширишди ва буйрагимда майда кум заррачалари борлигини айтишди. Шифокорнинг айтган дориларини ичгим келмади. Ҳар хил ўтлар дамламасидан фойдаландим. Фойдаси бўлмади. Дўстларимдан бири сарғайиб пишган бодринг уруғларидан фойдаланишимни маслаҳат берди ва қандай қилиб малҳам тайёрлашни ўргатди. Бодринг ўсадиган даладан сарғайиб ётган бодринглардан уйга олиб келдим ва иккига кесиб уруғларини ажратиб олдим. Яхшилаб ювдим, сўнгра қуритдим. Қуриган уруғларни иссиқ товага солиб кўйдирмасдан салгина қовириб олдим. Сўнг уларни эмалланган идишга солиб, устидан бир литр қайноқ сув солдим-да, сочик



билан устини беркитиб уч соат давомида уй ҳарорати-га кўйдим.

Уч соатдан сўнг докадан ўтказиб шиша банкага солдим ва унга уч ош қошиқ асал қўшиб яхшилаб эриб кетгунча аралаштирдим. Ҳамма шарбат бир литр бўлди. Шу шарбатни кун давомида бир неча марта ичиб тугатдим. Кечкурун ўрним иссиқ бўлиши учун иссиқ грелкани кўйнимга олиб, буйрагимни ҳам иссиқ рўмол билан ўраб қўйдим ва эрталабгача иссиқгина ўринда мириқиб ухладим. Эрталаб пешобнинг рангидан буйрагимдаги кумлар чиқаётганлигини сездим. Кумлар тўрт кун давомида чиқиб тугади.

Шифокорга қайтиб бормадим. Сабаби буйрагим тузалиб оғримайдиган бўлди.

Хуршид

Жиззах шахри

ҚАЙНОККИНА СУВНИНГ ХОСИЯТИ

Авлодимиздагиларнинг кўпчилиги халқ табобати сирларидан хабардор бўлишган. Ўзим кўпгина касалликлар учун тайёрланадиган муолажаларни ойимнинг оталари - бобомдан кўриб ўрганганман. Бирор жойим оғриши билан бобомнинг бу борада тайёрлаган муолажаларини эслайман. Улар кўпинча оддий ва тайёрлаш учун кўп вақтни ҳам талаб қилмайди. Масалан, оёқ томирларим оғриб безовта қила бошласа оддийгина усул - эрталаб туриб 200-300гр. қайноқ сув ичаман. Бу муолажани бир ой давомида такрорлайман. Қайноқ сув қанчалик қайноқ бўлса шунча яхши, фақат оғиз ва ичаклар қуймаслиги керак. Раҳматлик бобомнинг айтишларича қон томирларини, организмларини ҳар хил чиқиндилардан тозалаш учун шу усул қулай экан. Ўзимга шу муолажа жуда яхши ёрдам беради. Қонимда холестерин микдори камайдди, қон босимим нормаллашади. Энг асосийси оёғимдаги, бўғинимдаги оғриқлар йўқолади. Овқат хазм қилиш органларим (ошқозон, ичаклар) яхши ишлайди. Турмуш ўртоғим шу муолажадан фойдаланиб орақ қон томирлари хасталигидан шикоят қилмайдиган бўлди.

Хилола

Тошкент шахри

ШИРИН ЧОЙ БОШ ОҒРИҒИНИ ҚОЛДИРАДИ

Бошим оғриши билан уч дона оқ қағдани оламан-да, пиёлага солиб устидан аччиққина дамланган чойни солиб қанд эригунча аралаштираман, сўнг тез-тез хўплаб ичаман. Бош оғригим таққа тўхтабди. Худди дори ичгандек. Уйда, ишда, қаерда бўлмай бу мен учун қулай даво ҳисобланади.

Фарход

Тошкент шахри

Саҳифани Л.Аҳмедова тайёрлади

Дўстим, яна кўнглингда кирдим. Яна қиш келмоқда. Кимгадир гўзал баҳор-у ёзнинг, кимгадир сокин кўзнинг қадри бор. Мен эса ҳар йили илк қор ёғишни интиқлик билан кутаман. Худдики биринчи муборак пар қанотлар сен ҳақингда илк хабарлар олиб келаётгандай. Аслида ҳам шундай, мен сени айни илк қор ёққан кунда, бундан кўп йиллар олдин учратгандим...

аёлочи ўқувчилардан бўлганлигимиз туфайли кўп бирга ишлашга тўғри келарди. Энди ўйлайман, ўша йиллар қанчалар тўқис ва фараҳбахш кунлар экан. Бахт ичра яшаб, бахтни ҳис қилмаган эканмиз-да азизим. (Кечир, сени илк марта шундай атадим, ахир энди сен бо-

хоҳлардим. Лекин етим қизлигим туфайли ўраб-чирмаб, яхшигина хонадонга келин қилиб юборишди.

Йиллар сенсиз, ҳиссиз, изсиз, қувончсиз ўтарди. Айрилганимизга неча йиллар бўлибди-ю, ҳатто бир бор кўнандан ўтмаганимни мана шу қорли кунда эс-

нарлиси оиланг, фарзандларинг бор. Менинг эса доим қўлларим дуога очилган: Илоҳим, машаққатлар билан топган бахтинг ўзингга буорсин, жуфтинг билан кўча қаришлик насиб этсин. Менга эса сен билан фахрлишим, сени бир умр соғиниб яшаш насиб этсин.

Балки сени яқиндан билганим-да мен учун сир бўлиб қолган курсурларинг очилармиди? Сени бунчалар ихлос билан эсламасмидим. Йўқ, маҳзун

кўзларинг хиёнаткор эмас, улар ҳамон менга меҳр билан боқиб тургандай назаримда. Ҳаётимга шу ёғаётган мусаффо қор мисол қириб келгандинг, шундайлигинга қолдинг азиз дўстинам, параллел синфдошгинам.

Қор ҳам маҳзун хотираларимдай тинмай демайди. Менинг эса сен ҳақингда, муҳаббат ҳақида бир сўз айтмоққа журъатим етмайди. Нима ҳам дердим. Хали кўп қорлар ёғади. Хали насиб этса учрашиб ҳам қолармиз, худдики, ака-сингиз учрашгандай. Азизим, соф туйғуларимиз ҳаққи, ёшлиқнинг чарогон муҳаббат гўшасида бизни учраштирган ўша қорли кун ҳаққи сени бир эслаб қўйдим, холос. Кўргим келмади йўқ, йўқ менга хотираларинг етади. Насиб этса, сенинг ширин ҳаётингга ҳам, ширин ҳаётингга ҳам кириш ниятим йўқ. Фақат сени хотирлаш, сени дуо қилиш ниятим. Ҳамиша омон бўл, холос, азиз, беғараз, олис юртдаги мадрур дўстинам.

ИЛК ҚОР ЁҚҚАН КУНДА



Илк қор ёққан кунда, Дўстим яна қошинга келдим. Ярим кўнгли, илвираган жон. Сен гапирмай тур, сўрама, зинҳор. Менинг юрагимда не гапларим бор.

шқанинг азиз ёрисан). Эсингдами, бир куни ниманидир сендан сўрадим. Ҳаяжон билан тушунтириб, "тушундигизми ёки ёзиб берайми?" - деб сўрагандинг, мен уялганимдан "Тушундим" деб қўя қолгандим. Аслида фақат сенинг кўзларингга термулиб, ўзингни, сўзингни унутибман.

Сўнги кўнгирик - иккимизни бир умрга ажратиб юборган мунгли ун. Орзулари муштарак икки қалб, гўзал дунё-қарашли шоирнамо икки дўст айро-айро йўлдан кетишга мажбур эдик. Менга армон бўлган нараса - икковимиз биргина дилдан сўхбат қуриб, кўнглимизни очмаганимиз. Ун йил бирга ўқиб ҳатто бирор суврат алмашмаганимиз. Муҳаббатимизни бир умр пинҳон туттишга мажбур эдик. Чунки... чунки биз янглиш муҳаббат қурбонлари эдик. Сену-мен икки тоифа кишилар фарзандлари эдик.

Ойлар ўтди. Толоенгни узоқлардан излаб кетдинг. Менинг сен ҳақингда ширин орзуларим тушга, сен эса қайтмас қушга айланиб учиб кетдинг. Эшитишимча узоқларга ўқишга кетибсан. Мен ҳам ўқишга боришни

лаб қолдим. Гўё ўтсам ортимдан "Фарида, Фарида", деб қақираётгандай бўласан. Баъзан сени жуда узоқда яшашингга кўниким келмайди. Энг яқин кишини соғингандай соғинаман. Оҳ, бу соғинч худди оғриқли тушдай дилимни эзади.

Йиллар югурик сув мисол ўтаверди. Тақдир бизни сира учраштиргиси келмасди. Истамаганларим доим йўлимда эдию. Ҳижронинг уйида мудом тўй эди. Фақат хафа бўлган кунларим тушимга кириб чиқариндир (балки сени ўша кун кўп эслаганимдир). Озор топган юрагимга шу ҳам бир юпанч бўларди. Энди ўйлайман, биз 17 ёшимизда англаб улгурмаган бу буюк туйғу-муҳаббат аталмиш нурафшонлик, поклик балки бизни бир умр тарк этмас, бир умр ҳаёт йўлимизни ёритар. Балки биз бир-биримизга етишбўлмас эсак-да, дунёда энг бахтли инсонлардандирмиз. Чунки беғараз, пок муҳаббатимиздан ҳеч ким озор топмади, у ҳеч кимга ҳалал бермади. Унинг жабри-ни умр бўйи икки шикаста юрак тортиди, холос. Соҳларимиз эрта оқарди. Сени билмадим-у, мен учун сен етиб бўлмас орзу, унутиб бўлмас хотира. (Кечиргин мени) тузалмас ширин дард бўлиб қолдинг. Мен бу дардан бир умр розиман. Яхши ўқиганлигим туфайли десам хато бўлар, фақат сен туфайли шеърга ошино бўлиб яшадим. Илк китобинг чиққанда синглинг қатори қувондим, бағримга босдим. Деярли ҳамма ёзганларинг кўп ўқиганимдан ёд бўлиб кетди. Ҳаётда кўп қийналдинг, кейин меҳнатларинг роҳатини қўриб, яхши лавозимларга эришдинг. Қуво-

Умримнинг қузи ҳам бошлиқ бўлди, Йўлларингга термулиб кўзларим толди, Бу юракка армондан ўзга не қолди, Армонли юракка, чўғ бўл азизим. Бу дунёга дўстим бевақт келибман, Дардаш эмас, сенга дарддош келибман, Қайтмас бахтим тушларимда суюбман, - Эгилган бошимга, туғ бўл, азизим. Тақдир занжирини ҳеч узолмадим, Абдиқат қонунин мен бузолмадим, Ва лекин бир умр унутолмадим, - Нурсиз кунларимга нур бўл, азизим. Палаҳмон тошимиз тушиқ, кўп йирок, Ўртада турибди тоғ мисол, фироқ, Гоҳида парвона бўлдиқ, гоҳ чирок, Ҳамиша омон бўл, соғ бўл азизим.

Фарида

Ургут

ДЎСТИМ

Севиб севилиш тотлими ёки чин дўст топишми? Сиз ҳеч шу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? Мени қийнаб азоблаётган масала ҳам шу. Эй, ёрдамини, маслаҳатини дариг тутмагучи инсонлар, менинг дардим бедаводир.

Ўша вақт, талабалик гаштини сурган давларимда ёшлик давримдан, бахтимдан масрур эдим. Ўқишга киргач, шаҳар ҳаёти, одамлар ҳулқ-атвори билан танишдим. Кўп дўстлар орттирдим. Энг қизиги мен ўзимга чин дўст топдим. У коллежимиздаги энг ақли, одобли, иболи ва иймонли киз эдики, мен шундай дўст топганимдан Оллоҳга шукроналар айтаман. Шохидахон ҳеч қачон нотўғри маслаҳат бермасди. У доим тўғри гапирарди. Гуруҳимизда қизу-йигитлар уни ҳурмат қилишар,

ҳамма унга дардини айтарди. Шохидахон тўғри йўл кўрсатарди. Мен шундай дўстим борлигидан фаж-

рланардим. "Дўстингни айтгин, мен сенинг кимлигингни айтаман", дейишган-ку! Лекин дўстликдан ҳам улуг, севги деб аталмиш туйғу инсонни ўз измига олиб тиз чўқтираркан. Мен ана шундай дардга мубтало бўлдим. Ажабо, шунчалар бешафқат бу дунёда ундан қочиб қутулиб бўлмас экан.

Парда исмли йигит менга севги изор этганда мен уни ёқтирма, у билан қизиқмасдим ҳам. Лекин унга кундан кунга боғланиб борардим. Айрим дўгоналаримнинг кистови билан учрашувга чиқдим. Бундан хабар топган Шохидахон мендан жуда хафа бўлди. Мени койиди. Институтга кириш ниятида тинмай китоб ўқийшимни, чалғимаслигимни айтиб, дўстим мени инсофга чақирди. Шохидахон Парда ин-

га муносиб эмаслигини тез-тез такрорларди. У менга тўғри келмаслигини айтарди. Гоҳ Парда билан уришиб, гоҳ ярашиб қийин аҳволда қолдим.

Сўнги пайт Пардадан ўзимни олиб қоча бошладим. У эса айрилиқдан қийналар, хоргин, ўйчан юрарди. Ҳатто у кўзимга тик боқмас, бир сўз айтилмасди. Унинг севгиси самимий эканлигига ишонардим. Ва мен унга астойдил ачинганимдан яна у билан гаплашдим. У кўзларида нам, қўллар қалтираб сўзларини дардли оҳангда мени севишини айтарди. Шохидахон эса бирга бўлишимизга қарши эди. У бошқа дўгоналаримизни севиб-севилишига йўл очиб берар, менга эса норози эди. Менга фақат яхшиликни тиларди. "Бировни олдида қилмаган ишни ёлғиз қолганингда ҳам қилма", - бу бизнинг ширимиз эди. Эҳ, мен бу широрни амалда бажара олмадим.

Шохидахондан яширинча Парда билан учрашиб юра бошладим. Кўнгли-

шушлик, каллани чалғитиш деб билардим. Шохидахонга кўп азоб бердим. Уни "севмайман", деб алдардим-у, лекин Парда билан учрашиб юрардим. Кўп қилган ишларимни яширдим. Лекин дардим тўлиб-тошганда унга ҳаммасини айтиб бердим. Шохидахон мендан қаттиқ ранжиди. Унинг сўзини икки қилиб дилга озор бердим. "Тақдир ўйини" деб аталмиш бу ўйиндан ё мен чиқаман, ё у чиқади", - деб шарт қўйди. Қалбим азобда... Иккисидан бирдан ажралмиш мен учун нақадар оғир. Дўстсиз бошим - тузсиз ошим. Севиб эса айб эмас...

Бу қилмишдан дилим оғриятти, виждоним қийналяпти, иккиланиб қолдим. Нимани хор қилсанг ўшанга зор бўласан, - дейишади-ку!

Сиз нима дейсиз азиз газетхон? Қандай йўл топсан экан. Менга маслаҳатингиз керак. Тўғри маслаҳат берасизлар, деган умиддаман.

Лайло

Жиззах вилояти



ДЕЯ ИШҚДАН КЕЧАЙМИ?

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият
 Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.
 Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
 Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
 Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
 Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
 Бўхгалтерия: 132-07-41
 Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмаҳонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
 Босишга топшириш вақти - 20.00
 Босишга топширилди - 21.00
 Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва сақдаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
 Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
 Буюртма Г - 736. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобок, Адади - 17656
 Саҳифаловчи — А. ТОХИРОВ
 Рассом — Н. ХОЛМУРДОВ
 Навбатчи — Н. ЙЎЛДОШЕВА
 Мусаҳиҳ — С. САЙДОЛИМОВ.